Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 6 август 1970 йил, пайшанба ◆ № 182 (14.648). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширамиз!

ҲОСИЛ КЎПАЙСИН

Дала ишлари кундалиги

Ҳозир пахта даласида меҳнат авжи кун сайин кучаядиган, деҳқон мўл ҳосил ғамида эрта баҳордан буён қилиб келаётган ҳароратли ишини сусайтирмай давом эттирадиган пайт. Деҳқонлар асад — экинингни ясат дейишади. Бунинг маъноси шуки, августда ҳосилга ҳосил қўшилади. Аммо ҳосил ўз-ўзидан кўпаймайди. Агар ғўза август ойида ҳам худди илгаригидек сифатли культивация қилинса, маҳаллий ўғит билан озиқлантирилса, сувдан толиқтириб қўйилмаса ёки ортиқча суғорилмаса кун сайин кўпроқ гул ва кўсак пайдо қилади. Борди-ю, иш оз бўлса ҳам сусайтириб юборилса, экин культивация қилинмай қўйилса, чанқатилса ёки культивация билан суғориш ўртасида узилиш бўлишига йўл қўйилса, янги гул ва кўсаклар ҳосил қилиш у ёқда турсин, ҳатто илгари пайдо бўлган гул ва кўсакларини ҳам тўкиб юборади. Шу боисдан барча культиваторлар унумли ишлатилиши, сувчилар сони кўпайтирилиши ва иш ниҳоятда сифатли бажарилиши керак.

Яхши парвариш қилиниб, нормал ривожлантирилган ғўза туплари ҳозир бир-бирига улашиб кетди. Эҳтиёт бўлинмаса, тракторларга тўсқичлар ўрнатилмаса, культивация ўтказиш, суғориш учун жўяк олиш вақтида ғўза туплари зарарланиши, гул ва кўсакларнинг бир қисми тўкилиб кетиши мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Яна шуни айтиш керакки, экинни минерал ўғитлар билан озиқлантириш ҳамма ерда июль ойининг ўртасида тугалланди. Демак, ерга азотли, фосфорли ва калийли ўғитларнинг йиллик нормаси солиб бўлинди. Бироқ, бундан энди ғўзани озиқлантириш керак эмас, уни фақат культивация қилиш ва суғоришнинг ўзи кифоя қилади деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳосилга ҳосил қўшиш даврида ғўзани маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор бериш, айниқса шарбат оқизишни кенг йўлга қўйиш зарур. Шундай қилинса, гуллар тезроқ кўсакка айланади, кўсаклар тўлишади, ғўза туплари бақувват бўлади.

Колхоз ва совхозларда ғўзани чеканка қилиш тугалланяпти. Бу муҳим агротехника тадбирини кечиктириш ярамайди. Етарли миқдорда ҳосил шохлари пайдо бўлган, бўйи белгиланган даражага етган ғўза тупларини чеканка қилишни яқин икки-уч кун ичида тугаллаш керак. Акс ҳолда экин ҳосилга эмас, балки бўйга зўр беради, етарли миқдорда гул ва кўсак ҳосил қилмайди. Бизга бўйчан эмас, балки кўп пахта берадиган ўрта бўй, сершох ғўза керак.

Илғор областлар, районлар, колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари юқоридагиларни ҳисобга олиб, ғўзани талаб этилган даражада парвариш қилмоқдалар, уни нормал ривожлантириб, серҳосил бўлишини таъминламоқдалар. Иш мўл ҳосил етиштиришни мўлжаллаб ташкил этилган жойларда ҳозиргача барча майдондаги экин етарли миқдорда культивация қилинди, талабига қараб озиқлантирилди ва суғорилди. Жумладан, Бухоро, Сурхондарё ва Наманган областларидаги илғор хўжаликларда шундай қилинди. Ана шу областларда, шунингдек экин керагича культивация қилинниб, сифатли суғорилган Қашқадарё, Самарқанд ва Андижон областларида хотиржамликка берилгани йўқ. Аксинча, ҳосилга ҳосил қўшиш мақсадида ғўза парвариши август ойида ҳам худди илгаригидек бўшаштирмай давом эттириляпти.

Бироқ, айрим областларда техника ва ишчи кучи етарли бўлишига қарамай, экин ҳали яхши культивация қилингани ва суғорилгани йўқ. Масалан, Қорақалпоғистон АССРда ғўза энди ҳаммаси бўлиб 3,5 марта культивация қилинди. Бу соҳада Хоразм, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона областларида қилинган ишлар ҳам талабга тўла жавоб бермайди. Ана шу областларда ва Қорақалпоғистон АССРда ғўзани суғориш ҳам жуда секин боряпти. Қорақалпоғистон АССРда экин энди 1,7 марта, Хоразм областида икки марта, Тошкент ва Сирдарё областларида 2,5 мартадан суғорилди, холос.

Шу туфайли истеснсиз ҳамма ерда, хусусан экин етарли даражада культивация қилинмаган ва суғорилмаган областларда ғўза парваришини янада кучайтириш, культивация ва суғоришнинг сифатига алоҳида эътибор бериш керак. Шундагина ҳар туп ғўзада кўпроқ гул ва кўсак пайдо қилиш, олинган мажбуриятнинг бажарилишини тўла таъминлайдиган даражада ҳосил етиштириш мумкин.

Айни вақтда барча областлар, районлар ва хўжаликларда ғўза парваришини ҳосил йиғим-теримга тайёргарлик кўриш билан бирга қўшиб олиб бориш, терим техникаси ремонтини тезлаштириш ва уни белгиланган муддатда тугаллаш лозим.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Пахтакорлар мўл ҳосил учун курашмоқдалар

Ишчи деҳқонга мададкор

Янгиариқ ва Пахтакор районн ташаббускорлари изидан

СИРДАРЁ районидаги «1 Май» колхозининг пахтакорлари янгиариқликларнинг ташаббусига қўшилиб, бу йил барча майдонда мўл ҳосил етиштириш учун кураш олиб боришяпти. Сифатли парвариш қилинган экин нормал ривожланиб, серҳосил бўлиб ўсяпти. Колхоз аъзоларининг мўл ҳосил учун мусобақасида моҳир механизатор Отақул Абдиев пешқадамлик қиляпти. У, ғўзани механизмлар билан чеканка қилишда ҳамкасбларига ибрат кўрсатмоқда. Суратда: О. Абдиев иш устида.

А. Тўраев фотоси.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ЯНГИ ТЕХНИКА

Тошкентдаги «Хлопкомаш» заводи ишлаб чиқарган дастлабки 100 та янги универсал такомиллаштирилган УСС-1 сушилкалари «Узсельхозтехника»нинг савдо базаларига келтирилди. Бу агрегатлар хўл кўракни, машинада ёки қўлда терилган пахтани, тўкилган пахтани, шунингдек ўт, маккажўхорини сўтаси билан қуритиб чиқаради.

Сушилканинг автомати теплогенераторни ишга туширади, унинг ишини назорат қилади. Башарти температура бирдан кўтарилиб кетса, бу ердаги махсус қурилма механизмни ажратиб қўяди. Агрегатнинг иссиқлик берувчи юраги ёндириш камерасининг ишини фотоэлемент кузатиб боради.

Установка ҳар соатда машинада терилган 2 тоннагача хўл пахтани қуритиб чиқаради. Агрегатда 2,3 киши ишлайди. У барабан типидаги сушилкага қараганда қарийб икки баравар кам маблағ сарфлагани ҳолда, кўракни яхшироқ қуритиб чиқаради.

Бу йил «Хлопкомаш» заводи шундай универсал сушилкалардан анчагина тайёрлаб беради.

ПАХТАКОРЛАР УЧУН

«Таштекстильмаш» заводи оталиғидаги В. И. Ленин номли совхоз билан (Сирдарё области) алоқаларини мустаҳкамламоқда. Пойтахт корхонасининг машинасозлари пахта терими бошлангунча хўжаликдаги 50 та «зангори кема»ни — пахта териш паркининг ярмини ремонт қилиб бериш мажбуриятини олдилар.

Заводнинг энг яхши мутахассисларидан тузилган слесарлар бригадаси қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишга киришди. Совхознинг илтимосига биноан корхона пахта териш машиналари ва трактор учун зарур запас қисмлар ҳам тайёрлаб беради. Оталиқдаги хўжалик устахоналарининг эҳтиёжлари учун асбоблар комплекти берилади.

Завод ходимлари ўз оталиқларидаги бошқа бир коллектив — У. Юсупов номли аграр саноат комбинатига ҳам янги ҳосил хўл меваларини териб олишда ёрдам кўрсатмоқда.

Корхона коллективи партиянинг бўлажак съезди шарафига вахтада туриб йил охиригача Андижон ва Тошкентдаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари учун пландагидан ташқари 200 тонна чўян қуйилма ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларига жавобан корхона ходимларининг қишлоққа ёрдами шундай бўлмоқда (ЎзТАГ).

МАШИНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

АНДИЖОН. «Андижанирмаш» заводида бульдозерга ўрнатиладиган ускуналар ишлаб чиқариш йил бошидан бери икки баравар кўпайтирилди. Корхона салкам икки минг комплект тайёрлаб берди. Улар Сибирь, Узоқ Шарқ, Болтиқ бўйи, Қозоғистон, Ўрта Осиё республикаларининг колхоз ва совхозларига жўнатилди.

Корхона коллективи мамлакатимизнинг барча қишлоқ хўжалик зоналарида манзур бўлган ер қазувчи қуроллар тайёрлашни бултургидагига қараганда бу йил тўрт баравардан зиёд кўпайтирмоқчи. Ишлаб чиқариладиган салкам 6.5 мингта иш қуролидан мингтаси пландагидан ташқари бўлади. КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми мамлакат қишлоқ хўжалигини зарур техника билан таъминлаш тўғрисида қабул қилган қарорига жавобан ушбу корхона ишчи ва хизматчиларининг қилаётган ишлари шундай бўлмоқда. Корхона коллективи бултурдагига қараганда икки баравар кўп канал бетига плита ётқизувчи машина, катта текислагич, зовур қазгич машиналар ишлаб чиқаришга ҳам ҳаракат қилмоқда. Яқинда завод янги хилдаги бульдозерлар ва скрейперлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Булар илгари тайёрлаб келинганидан серунум ва кўпга чидайди.

Корхона коллективи заводни реконструкция қилиб, уни янада такомиллашган машина-ускуналар, программа билан бошқарилувчи ярим автомат станоклар билан таъминлаб, ишлаб чиқариш қувватларини ишонч билан ўстириб бормоқда, қишлоқ хўжалиги учун машина ва қуроллар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. (ЎзТАГ).

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Республика областларида картошка, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва узум тайёрлашнинг бориши тўғрисида 4 августга қадар бўлган МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — тайёрланган картошка (тонна ҳисобида); иккинчи стун — планнинг бажарилиш проценти; учинчи стун — тайёрланган сабзавот (тонна ҳисобида); тўртинчи стун — планнинг бажарилиш проценти; бешинчи стун — тайёрланган мева (тонна ҳисобида); олтинчи стун — планнинг бажарилиш проценти; еттинчи стун — тайёрланган полиз маҳсулотлари (тонна ҳисобида); саккизинчи стун — планнинг бажарилиш проценти; тўққизинчи стун — тайёрланган узум (тонна ҳисобида); ўнинчи стун — планнинг бажарилиш проценти.)

Тошкент	13023	39,8	52004	26,0	14446	85.0	336	0,5	153	0.5
Сирдарё	160	16,0	2379	13,2	2221	55.5	87	1.1	253	14.9
Фарғона	2637	30,3	25884	51,7	4114	102.8	106	1,1	224	3,7
Наманган	417	23.2	14358	44.8	2547	63,7	289	4,1	74	0.9
Андижон	534	106,8	19.950	49.8	3559	88,9	154	1,9	178	3,5
Самарқанд	3143	28,6	20246	22.5	4772	62,0	51	0,4	96	0,3
Бухоро	7	—	7333	36,6	1247	124,7	3181	26,5	35	0,4
Қашқадарё	454	45,4	4462	22,3	2571	64,2	337	4.8	142	1.7
Сурхондарё	1315	87.7	10130	67,5	1284	42,1	1289	18,4	103	1,4
Хоразм	2	—	3286	29,9	347	115,7	242	1,9	—	—
Қорақалпоғистон АССР	80	5,4	809	7,3	478	23,9	1	—	?	—
Республика бўйича:	21.772	36,3	160841	31,7	37586	73.7	6073	26.4	1256	0,9

«ЧЕДОК» ЧОРЛАЙДИ

Тошкентдаги Санъат саройида «Чехословакия — туризм ўлкаси» кўргазмасининг очилишига бағишланган тантанали маросим ана шундай шиор остида ўтди. Кўргазмани Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Аҳмедов очиб, Чехословакия саёҳат бюроси Совет туристларини қабул қилиш бўлимининг бошлиғи Яромира Голубовага сўз беради. Ўртоқ Я. Голубова «Чедок» туристик фирмасининг гўзал манзилгоҳлари ҳақида гапириб, туризм ишқибозларини Чехословакияга таклиф этди.

Ўз планларини Волгоград ва Краснодар меҳнаткашларига таништириб келган кўргазма Тошкентда икки ҳафта бўлгач, Олмаота, Новгород, сўнгра Калинин шаҳрига йўл олади.

Ф. ШОҲИСМОИЛОВ.

ТЕХНИКА РЕМОНТИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республика колхоз ва совхозларида пахта териш машиналари ремонтининг бориши ҳақида 1 августга қадар бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — пахта териш машиналарининг умумий сони; иккинчи стун — шу жумладан ремонтдан чиқарилгани; учинчи стун — ремонт ишларининг бориши (машина сонига нисбатан процент ҳисобида).

Бухоро	1934	1268	65,6
Тошкент	3693	2397	64,9
Сурхондарё	2139	1298	60.7
Самарқанд	2709	1566	57.8
Сирдарё	5592	2783	49,8
Қашқадарё	1218	608	49,9
Андижон	2452	1194	48,7
Наманган	1781	868	48,7
Фарғона	2240	947	42,3
Хоразм	2136	685	32,1
ҚҚ АССР	2260	265	11,7
Республика бўйича:	28154	13879	49,3

ИПАК ТОЛАСИ

Ипак... Инсон унга чексиз меҳрини, кўпдан-кўп меҳнатини сарфлаган. Шунинг учун ҳам одамлар энг яхши, энг мулойим, энг кўркам нарсаларни ипакка нисбат берадилар. Қадим замонларда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги машҳур йўлни ҳам «Ипак йўли» деб аташган. Карвонлар кўчма қумларни, дайди барханларни кесиб, кўзни қамаштирадиган ажойиб шойини Ғарб мамлакатларига элтиб берганлар. Бу йўл жуда узун эди. Аммо ипак толасининг йўли ундан ҳам узун. Бу тола яратилиб, то сеҳрли газламага айлангунча, ўз ранго-ранглиги билан одамнинг кўзини қамаштирадиган газлама ҳолига келгунча кўп йўлни босиб ўтади. Бу йўл узун йўл, айни пайтда машаққатли йўл...

Бухорода, жўшқин Зарафшон дарёси соҳилида ўтинчи Тешанинг қизи онахонимиз Ҳурмат опа яшайди. Бундан неча-неча йиллар илгари айни баҳор пайтида Теша эшагида тут шохларини кесиб келтиргандиқ, ўшанда жажжигина Ҳурмат ачиниб:

— Отажон, нима қилардингиз ёшгина ниҳолни қийратиб? Ахир, эндигина куртаги барг ёзяптия, — деганди.

— Бошқа илож йўқ, қизгинам. Ипак куртини боқиш учун эзалдан шундай қилишади. Онанг қурт боқаётганини кўрмаганмисан? Бу шунчаки қурт эмас, ипак қурти.

— Тут мева қилади-ку отажон. Қуртлар тол баргини еяқолсин, ариқ бўйида тиқилиб ётибди-ку, — деганди, қизалоқ.

Отаси ўйланиб қолди: ҳар нарсани билишга қизиқувчан тийрак қизимга нима десам экан.

— Ипак қурти нима боисдан фақат тут барги ейиши сабабини айтиб берайми?

Ота қадим замонларда бир чўпон ипак қурти истеъмол қиладиган баргни қандай топгани ҳақидаги афсонани айтиб берди.

Бу афсона гўдак Ҳурматнинг қалбига чуқур ўрнашиб қолди.

— Отажон, онамга айтинг, мени ҳам қурт боқишга ўргатсинлар.

Онаси бу истакни бажо келтирди. Ҳурмат ҳар йили баҳорда ипак қурти тутиб, юзлаб килограмм пилла фла бошлади.

Йиллар ўтди. Қурт уруғи жойланиши билан Ҳурмат уларга парвона бўларди. Қурт паст ҳароратда ўзини қандай тутади, юқори ҳароратда-чи? Баргни эрталаб зўр иштаҳа билан ейдими, кундузими, ёки кечқурун? Қуртга баргни шох-шабба билан қўшиб берган яхшими, ё майдалаб берган яхшими? Қурт ҳарорат ташқаридагидан пастроқ бўлганида яхши ривожланишини Ҳурмат пайқаб қолди. Ипак қурти нозик, ниҳоятда таъсирчан, ҳатто инжиқ нарса. Унга парвона бўлишингни яхши кўради, тинимсиз елибюгурсанг кўнгли жойига тушади, мусаффо ҳаводан симириб-симириб нафас олади. Демак, қурт тутиладиган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак, деган хулосага келди Ҳурмат. Шундай қилинганида, қурт даҳага кириб баргни икки баравар ортиқ ҳазм қилади, одатдагидан 15-20 кун олдин етилади.

Ҳурмат ҳар қути уруғдан 80 килограммдан пилла олди. Бутун республикага унинг довруғи таралди. Қурт боқишнинг тезкор усули ҳақидаги бу довруғ бутун мамлакатга ҳам таралди. Фарғоналик Олияхон Султонова Ҳурмат опанинг ташаббусига Ўзбекистонда биринчи бўлиб қўшилганлардан. Ҳар иккови Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбекистон пиллачилари янги усулни қўллаиб, фақат тўрт йилнинг ўзида 1 миллион киши-кунини тежаб мамлакатга қўшимча равишда салкам 2 миллион метр ипак газлама тайёрлашга етадиган пилла етказиб бердилар.

Бироқ, Ҳурмат опа бу билан кифояланиб қолмади. Яна изланишга киришди. Олимлар билан ҳамкорликда янги нав яратилди. Чатиштирилган оқ пилла нави кўпроқ ипак газлама ишлаб чиқаришга имкон беради. Ҳурмат опа ҳар қутисидан 120 килограммдан пилла олиб рекорд қўйди.

Қизиқ бир мисол. Агар илгари айрим пиллачиларгина ҳар қутисидан 50 килограммдан ҳосил олган бўлсалар, ҳозир республика бўйича пилланинг ўртача ҳосилдорлиги 60 килограммга етди. Пилла тутишнинг жадал усули туфайли Ўзбекистон мамлакатга беш йиллик пландагидан ташқари 100 минг центнер пилла топширди.

Лекин ҳамма резервлардан фойдаланиляптимми? Совет пиллачилигини ривожлантириш истиқболлари қандай?

Ипак толаси муаммоси бизни Ромитанга — Ҳурмат Тешаеванинг юртига олиб келди. Райкомнинг биринчи секретари Яхши Наврўзов билан биргаликда донгдор пиллачи билан узоқ суҳбатлашдик.

Баъзи одамлар ипакнинг даври ўтди дейишади. Гўё ипак толаси кимёвий толаларга ўрнини бўшатиб берган эмиш. — дейди кулимсираб Ҳурмат опа. Мен кимёга қарши эмасман. Унинг мўъжизасини тан оламан. Лекин гапнинг очиғини айтганда табиий ипакнинг ўрнини ҳозирча ҳеч нима боса олмайди. Пиллачиликни ривожлантиришга нималар тўсқинлик қилмоқда?

Ҳурмат Тешаева ипак йўлида тўғаноқ бўлиб турган жиддий тўсиқлар ҳақида ташвишланиб гапирди. Пахтачилик каби пиллачиликка ҳам бу ишларнинг мавсумийлиги катта зарар келтиради деб ҳисоблайди у. Гап шундаки, далаларимизда ғўзанинг биринчи парвариши бораётган айни қизғин паллада колхоз ва совхозларда ишчи кучини батамом пиллачилик ютиб юборади. Ғўза парвариши кўп меҳнат талаб қилади, дала ишлари ҳали унча механизациялашмаган. Бунинг устига пилла тутиш ҳам ниҳоятда сермеҳнат жараён. Қўл меҳнати асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам пилла аҳоли зич жойлашган Фарғона ва Зарафшон водийларида кўпроқ тутилади. Қорақалпоғистонда, Мирзачўлнинг қўриқ ерларида, Сурхондарё ва Қашқадарёда пиллачилик етарли даражада ривож топмаган. Бу зоналарда ҳар қутисидан 50-55 килограммдан, республикадаги ўртача кўрсаткичдан ҳам кам пилла олинади.

Тутзорлар кескин камайиб кетган. Тутзорларни кенгайтириш ҳақида қайғурмаётган раҳбарлар ҳам йўқ эмас.

Яқин келажакда тажриба тариқасида ихтисослаштирилган пиллачилик хўжаликлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмасми? Ўшанда пилла қуртини йилига бир эмас, балки 2-3 марта тутиш имконияти туғилармиди. Олға силжишга ҳозир ташкилий тартибсизликлар, тутзорларнинг камлиги, сермеҳнат ишларнинг механизациялашмагани ҳалақит бермоқда. Қурт тутиш учун ҳозирги вақтда колхозчилар ва совхоз ишчиларининг уйларидан, клублардан, ҳатто мактаблардан фойдаланилмоқда. Ипак қуртига ҳар йили салкам 800 минг бино бўшатиб берилмоқда. Махсус ипак қурти тутиладиган бинолар қуриш, пиллачиликни индустриал асосга кўчиришдан иборат кечиктириб бўлмайдиган вазифа кун тартибига қўйилмоқда. Шу мақсадга сарфланган маблағ жуда тез қопланади. Ўшанда мамлакат йилига икки-уч баравар кўп пилла олган бўлур эди.

Ипак толаси муаммоси бизни пахта ва пилланинг қадимий ватани Фарғона водийсига ҳам олиб борди. Агар Ўзбекистон ҳар йили мамлакатга 18 минг тоннадан кўпроқ пилла етказиб бераётган бўлса, шундан қарийб 8 минг тоннаси Фарғона водийсининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Қадим замонлардаёқ фарғоналиклар ипак толасидан ажойиб ва нафис газлама тайёрлаганлар, бу газламалар бамисоли етти хил товланувчи камалакни эслатади.

— Лекин камалакда етти хил ранг жилоланади, ипак газламаларимизда неча хил ранг жилоланишини ҳеч ким ҳисоб лаб кўрганмикан? — деб сўрайди етти пушти дастгоҳ тўқувчи бўлган марғилонлик уста Солижон Тошпўлатов. — Атлас чиндан ҳам мўъжизали нарса. Уни инсон камалакнинг ердаги такрори сифатида ижод қилган.

Ипак газламалари ҳақида у худди жонли нарсалар ҳақида гапираётгандек завқланиб ҳикоя қилади. Ҳар бир тўқиманинг, расмнинг қачон юзага келган-у, уни ким биринчи бўлиб яратганигача билади. Солижон отанинг ўзи газламанинг ўнлаб янги хилларини яратган. Марғилончинг ўзида унинг салкам 250 шогирди бор. Уларнинг ҳаммаси ҳам рассом, ҳам унинг ижодини рўёбга чиқарувчилардир. Уларнинг моҳир қўллари туфайли «Атлас» фирмаси ҳар йили ўнлаб тонна ипак толанинг сира такрорланмас жозибадор хилларини олмоқда.

— Марғилон атласига талаб тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Унинг довруғи мамлакатимиз чегарасидан ҳам ташқарига чиқиб кетди, — дейди Фарғона обкомининг биринчи секретари Ф. Шамсиддинов. — чет эллардан заказлар келиб турибди. Париж, Лондон, Рим ва Европанинг бошқа шаҳарлари аёллари Марғилон атласидан кийим кийишни истамоқдалар. Бугунги кунда Марғилон атласи олтингина эмас, балки бизнинг саноат шуҳратимиз ҳамдир. Шу боисдан ҳам атласни анча кўп чиқаришимиз керак.

Айни пайтда фирмамиз камқувватли. Фирма шаҳарнинг учта жойида жойлашган эски ипак тўқиш артеллари базасида ташкил қилинган эди. 1967 йили фирмани реконструкция қилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Цехларни бир қадар йириклаштириш, эски жиҳозларни янгилашга эришилди. Ипак газлама ишлаб чиқариш йилига 8 миллион метрдан 16 миллион метрга етди. Шойининг сифати анча яхшиланди. Аммо муаммо ҳал қилинганича йўқ. Мамлакатга ҳозирги замон техникаси билан жиҳозланган қудратли фирма керак.

Фирманинг аҳволи оғир. Унинг икки корпуси биноси нураб деб турибди. Шошилинч ёрдам керак. Лекин ҳозирча иттифоқ ва республика енгил саноати министрликлари ўртасида узундан-узун ёзишмалар бормоқда.

Атлас ишлаб чиқаришни кўпайтириш жуда фойдали иш. «Атлас» фирмасига ўхшаш корхоналарни Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида ҳам, айтайлик, ипакчиликнинг қадимий марказлари бўлган Бухоро, Самарқанд, Наманган, Ўш, Ленинобод, Чоржўй шаҳарларида ҳам ташкил этиш керак. Кўриб турибсизки, ипак толасининг йўли машаққатли йўл. Бу йўлда тўсиқлар ҳали озмунча эмас. Гўзалликнинг қадрига етадиганлар бу тўсиқлар мумкин қадар тезроқ олиб ташланилади ва олиб ташланиши керак деб ишонадилар. Ипак толаси йўлида ажойиб атлас карвонлари тўсиқсиз бораверсин, кумуш толалар узоқ ва яқин кишиларнинг қалбини бир-бирига пайванд қилаверсин.

И. МУҚИМОВ,
(«ПРАВДА» мухбири).
Ўзбекистон ССР.
(«Правда» 5 август).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ЧЎЛ ЮЛДУЗЛАРИ

Чўл чекинмоқда. У ўз ўрнини боғ-роғларга, бепоён экинзорларга, гуллар водийсига, пахтазорларга, гўзал шаҳар ва посёлкаларга бўшатмоқда. Асрлар давомида кимсасиз, инсонга нафи тегмаган чўлнинг уйғониши, яшариши, гулгун воҳага айланиши улуғ доҳиймиз Лениннинг ғоялари туфайлидир, Ленин заковатига, унинг тузган режаларига ҳамиша содиқ Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги, раҳнамолиги туфайлидир.

Совет кишилари доҳий васиятларини амалга ошириш йўлида, коммунизм юксак идеалларининг тантанаси учун кураш йўлида зўр фидокорлик ва жасорат кўрсатиб меҳнат қилаётирлар. Эркаклар билан ёнма-ён туриб ишлаётган фидокор аёлларимиз ҳам оз эмас. Октябрь қуёши туфайли ўз эркини топган хотин-қизларимиз ажойиб мўъжизалар яратяптилар. Мирзачўлнинг бугунги чиройини, эртанги истиқболини уларнинг меҳнатисиз, иштирокисиз, жасоратисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Нимагаки эришаётган бўлсак, уларнинг ҳаммасида азиз оналаримизнинг, меҳрибон опа-сингилларимизнинг салмоқли ҳиссаси борлигини кўрамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми хотин-қизларнинг жамиятда тутган ролига, мавқеига, коммунизм ғалабаси йўлида курашдаги жасоратига бениҳоя катта баҳо бергани бежиз эмас. Пленум Ўзбекистон партия ташкилотининг коммунистик қурилишда хотин-қизлар активлигини янада ошириш соҳасидаги вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, жойлардаги партия ташкилотларининг бу борада олиб бораётган ташкилотчилик, сиёсий ишларини батафсил таҳлил қилди ва навбатдаги катта ишларнинг конкрет программасини белгилаб берди.

Областимиз партия ташкилоти бу соҳада муҳим тадбирлар белгилаб, уларни изчиллик билан амалга ошириб келаётир. Хотин-қизларни ишлаб чиқариш ва жамоат ишларига жалб этиш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини тинмай ошира бориш ва коммунизм моддий-техника базасини яратишдаги ҳамда янги кишини тарбиялашдаги ҳиссаларини ошира бориш соҳасида анча ишлар қилинди. Бу масала партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг ҳамиша диққат марказида турибди.

Амалга ошираётган ишларимиз яхши натижаларни бермоқда. Маҳаллий советларга 3050 хотин-қиз депутат қилиб сайланган. Республика Олий Советида областимиздан 9 хотин-қиз халқ вакили сифатида иш кўрмоқда. Оддий колхозчиликдан иш бошлаган Назира Йўлдошева ҳозир йирик хўжаликка раҳбарлик қиляпти. У — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати. Мастура Шукурова, Саодат Санақулова, Шарофат Бозорова каби Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Маден Канаева, Инобат Охунова, Калдиқиз Амирбекова каби ўз меҳнатлари билан эл-юрт таҳсинига сазовор бўлаётган хотин-қизларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мирзачўлга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан катта орзу — чўлни бўстон қилиш нияти билан келаётган хотин-қизлар сафи тобора кенгаймоқда.

Ҳозир областимиз саноати ва қурилишида 51500, қишлоқ хўжалигида 60770, маориф ва маданиятда 19114 хотин-қиз самарали меҳнат қиляпти. Улардан 8 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 7063 киши Ленин юбилейи медали билан мукофотланган, 22 хотин-қизга республиканинг Фахрли унвонлари берилган. 1969 йилда 9863 кўп болали оналар мукофотланди, улардан 152 киши «Қаҳрамон она» деган фахрли унвон олди.

Хотин-қизлардан 4 киши район партия комитетларининг секретарлари, 1 киши область ижроия комитети раисининг муовини, 9 киши район ва шаҳар ижроия комитетлари раисларининг муовинлари, 18 киши эса қишлоқ ва посёлка Советларининг раисларидир. Касаба союз ва комсомол ташкилотларида ҳам хотин-қизлар катта куч ҳисобланади. Область хотин-қизлари меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган пропаганда ва оммавий-сиёсий ишларда актив иштирок этяптилар. 176 киши сиёсий маориф системаларида пропагандистлик қилаётир, 2 мингдан зиёди эса сиёсий ахборотчи ҳамда агитатордир.

Кўпгина партия ташкилотлари хотин-қизларни ишлаб чиқариш ва жамоат ишларига кенг жалб қилиш, уларнинг активлигини, ташаббускорлигини ошириш соҳасида катта тажриба тўпладилар. Пахтаорол, Жиззах район партия комитетларининг бу соҳадаги ишлари мақтовга лойиқдир. Ишчан аёлларни масъул вазифаларга кўтаришда анчагина ишлар қилинди.

Лекин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми кўрсатиб ўтганидек, областимизда хотин-қизларнинг активлигини ошириш, уларни юқори лавозимларга кўтариш каби соҳаларда олиб бораётган ишларимиз шу куннинг юксак талаблари даражасида эмас.

Областимизда пахтачиликни комплекс механизацияси соҳасида жиддий одимлар ташлаяпмиз. Экиш, парвариш қилиш, йиғиб олишни тўла механизациялаш, хотин-қизларни оғир қўл меҳнатидан озод қилиш учун жуда катта ишлар қилиняпти. Лекин консерватизмнинг баъзи кўринишлари, чунончи, кенг қаторлаб чигит экишга тўлиқ ўтмаслик, ҳайдов ва чопиқ тракторларининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш ўрнига кетмончиларни кутиб ўтириш, четдан ёрдам олишга уриниш, дефолиацияни муддатида ўтказиб, машина теримига кенг йўл очиш ўрнига «ҳали вақт бор» деган кайфият билан ёнғн-сочинга қолиб кетиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Чорвачиликни тўла механизациялашда айтарли бурилиш бўлмаётир. Сигирларни қўлда соғиш кўп хўжаликларда ҳамон давом этиб келаётир. Шу ўринда, Қишлоқ хўжалик министрлигига баъзи бир эътирозларни айтишга тўғри келади. Колхоз ва совхозларимиз чорвачиликни механизациялаш учун зарур бўлган механизмлар билан қачон тўла таъминланади, замонавий типда молхоналар қуриш қачон тугалланади? КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорида ҳам чорвачиликни механизациялашнинг аҳволи шу куннинг талаби даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Яқинда область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Бу пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми якунлари ва область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама этди. Унда эришган ютуқларимиз билан бирга хотин-қизлар масаласида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам рўй-рост очиб ташланди. Район партия комитетлари хотин-қизларни бригада, участка, ферма, колхоз ва совхоз раҳбарлигига кўтаришдек муҳим иш билан жиддий шуғулланмаётирлар. Бизда қобилиятли, ҳар қандай топшириқни бажара олишга қодир лаёқатли хотин-қизлар жуда кўп. Фақат уларни танлаш ва тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик баъзан унутилмоқда. Мана, бир факт: ўтган йили Гулистон, Жиззах, Ильич, Мирзачўл, Пахтакор районларида механик-ҳайдовчилар сафига биронта хотин-қиз қўшилмади. Бу нарса мазкур районлардаги партия ташкилотлари хотин-қизлар билан ишлаш масаласига етарли аҳамият бермаганлигидан келиб чиққан, албатта.

Маданият, халқ маорифи бўйича, медицина бўйича ҳам бу соҳадаги ишларимизнинг мақталадиган жойи йўқ. Партия ташкилотларининг сафларини хотин-қизлар ҳисобига ўстириш ҳам талабга жавоб бермайди.

Мана шунинг учун ҳам область партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида жойлардаги партия ташкилотлари қаттиқ танқид остига олинди ва бу соҳада муҳим тадбирлар белгиланди. Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин ҳозирданоқ бу соҳада сезиларли ўзгаришлар бўляпти. Ўтган қисқа вақт ичида шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари сафига хотин-қизлардан яна бир киши, мактаб директори сафига 3 киши қўшилди.

Область партия комитети партия ташкилотлари фаолиятидаги энг муҳим соҳалардан бири — хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, уларнинг активлигини ошириш борасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми қабул қилган қарорни ҳаётга тўла татбиқ этиш учун бутун чораларни кўради. Бу соҳада олдинга қараб катта силжиш бўлади. Мирзачўл хотин-қизлари барча совет хотин-қизлари каби коммунизмнинг актив қурувчилари сафларини янада кенгайтирадилар.

М. УМБЕТОВ,
Ўзбекистон КП Сирдарё область комитетининг секретари.

Республикамиз кимёгарлари, тракторсозлари, тикувчилари бошлаган ташаббусга Янгийўл пойафзал фабрикаси коллективи ҳам биринчилар қатори қўшилди. Улар партия XXIV съезди шарафига зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб ишлаётирлар. Суратда: смена топшириқларини ҳамиша 140 процент бажариб келаётган пойафзал қолипловчиси Камол Бойназаров иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

Қишлоқда китоб савдосини намунали йўлга қўйишда Риштон райони кооператорлари ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Чунончи, райондаги «Коммунизм» колхози марказига жойлашган китоб магазини намунали хизмат қилмоқда. Суратда: магазин сотувчиси Юлдуз Матисаева.

Савдо хизмати ҳақида икки суҳбат

ХАРИДОРЛАР МАМНУН БЎЛСИН!

Меҳнаткашларнинг кенг истеъмол молларига бўлган талаблари кун сайин ошиб боряпти. Бу эса уларнинг моддий ва маданий даражаси ортаётганидан далолат беради. Бундай шароитда ҳамма жойда савдо хизматини намунали йўлга қўйиш зўр масъулият ва ташаббускорликни талаб қилади. Шу муносабат билан редакция жойларда савдони ташкил қилишнинг баъзибир масалалари юзасидан Ўзбекистон ССР Савдо министри Ғафур Ғиёсович **Юсупов** ҳамда «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси Мадамин Хасанович **Хасанов** ўртоқларга бир неча саволлар билан мурожаат қилди. Қуйида ана шу саволларга берилган жавобларни баён қиламиз.

— ҒАФУР ҒИЁСОВИЧ, ҲОЗИРГИ КУНЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ДАВЛАТ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИДА МЕҲНАТКАШЛАРГА САВДО ХИЗМАТИ КУРСАТИШНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

— Республикамиз савдо ходимларининг совет кишиларига намунали хизмат қилишдан ортиқ шарафли вазифаси йўқ. Бизда хизмат кўрсатишнинг илғор усуллари тобора кенг қўлланилмоқда. Савдо ташкилотларимиз меҳнаткашларга кенг истеъмол молларининг хилма-хил турларини ўз вақтида етказиб бериш учун барча чораларни кўрмоқдалар. Шу туфайли республикамизда чакана савдо товар обороти яхши бажарилиб борилмоқда. Бу йил республикамизда аҳолига 4,7 миллиард сўмлик, жумладан 2,4 миллиард сўмлик озиқ-овқат товарлари сотилиши керак. Шу йилнинг биринчи ярми товар обороти плани эса 117 миллион сўмга ошириб бажарилди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11,8 процент ёки 252 миллион сўм ортиқдир. Ярим йил ичида аҳолига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,7 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 18 минг тонна сут маҳсулотлари, 2 минг тонна балиқ, 32 миллион дона тухум, 5 минг тонна гуруч, 9 минг тонна шакар ва турли хил ширинликлар кўп етказиб берилди.

— АҲОЛИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИДА ЗАРУР БУЛГАН АЙРИМ МАҲСУЛОТЛАР, ЖУМЛАДАН, ШАКАР, ГУШТ, ЁҒ, КОНДИТЕР МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛИШНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

— Кейинги пайтларда бундай маҳсулотлар билан савдо қилиш деярли тўла йўлга қўйилди. Йўл-йўлакайига шуни айтишим керакки, мева-чеванинг мўл-кўллиги туфайли кейинги пайтларда шакарга эҳтиёж кучайиб кетди. Ҳолбуки, бу маҳсулотни магазинларга ўтган йилдагига нисбатан кўп чиқариб турибмиз. Биз магазинларни бундан кейин ҳам шакар билан тўхтовсиз таъминлаб туриш учун етарли запасга эгамиз. КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини, шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш ҳисобига чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш вазифасини қўйди. Бу вазифани амалга оширишда КПСС Марказий Комитетининг март ойида қабул қилган колхоз ва совхозларнинг чорвачилик маҳсулотлари етиштиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш ҳақидаги қарори катта роль ўйнайди. Бу қарорга кўра, чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари оширилишига қарамасдан, уларнинг чакана савдодаги нархлари аввалгича қолаверади.

Аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини сероб қилиб етказиб беришда республика озиқ-овқат ҳамда гўшт, сут саноати корхоналари, кооператорлар шунингдек, колхоз ва совхозлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Уларнинг сут, гўшт, сабзавот, мева-чева етиштириш планларини ошириб бажаришлари савдо ташкилотларининг ҳам оғирини енгил қилади, меҳнаткашларнинг таҳсинига лойиқ иш бўлади. Республикамиз савдо ходимлари бундан кейин ҳам совет кишиларининг ортиб бораётган талабларини тўла қондириш учун тинмай курашадилар, ҳамда товар обороти бўйича планларни ортиғи билан адо этишлари шак-шубҳасиз.

* * *

— МАДАМИН ХАСАНОВИЧ, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ТАШКИЛОТЛАРИ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА ҚАНДАЙ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШДИ?

— Бу йил республикамиз кооператорлари қишлоқ меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатишда, уларнинг кун сайин ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондиришда яхши натижаларга эришдилар. Ярим йиллик чакана товар обороти плани муддатидан олдин бажарилди. Аҳолига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 248 миллион сўм кўп товар сотилди. Кейинги йилларда харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Товарларнинг тури кўпайди. Савдо маданияти яхшиланди. Янги замонавий магазинлар, ошхоналар, ресторанлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— ХАРИДОРЛАРГА САВДО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАР КУРИЛМОҚДА?

— Аҳолига хизмат кўрсатишда савдонинг прогрессив форма ва методларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, ўзига-ўзи хизмат қилиш каби савдонинг илғор усули кенг қўлланилмоқда. Йил охиригача мингта ўзига-ўзи хизмат қилиш магазини ташкил этиш мўлжалланган эди. Етти ой мобайнида бундай магазинлар сони 1 минг 400 дан ошиб кетди. Саноат товарлари билан савдо қилишда ҳам ўзига-ўзи хизмат қилиш кенг қўлланилмоқда. Фарғона областидаги «Қува», Андижон областидаги «Хўжаобод», Сурхондарё областидаги «Шўрчи», Тошкент областидаги «Янгибозор» каби универсал магазинлари ҳам бу илғор усулда ишлашга кўчирилади. Йил охиригача 2 мингдан ортиқ магазинда савдонинг бу методи қўлланила бошлайди. Ўзимизга қарашли корхоналарда халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Ярим йиллик ишлаб чиқариш плани 133 процент адо этилди. 800,2 миллион сўмлик кондитер маҳсулотлар, хўл мева ва сабзавот консервалари ишлаб чиқарилди.

— ПАХТАКОРЛАРГА САВДО ХИЗМАТИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН?

— Ғўза парваришининг ҳозирги долзарб кунларида пахтакорларга маданий-маиший ва савдо хизматини намунали уюштириш кооператорларимизнинг диққат марказида турибди. Савдо хизмати бевосита дала шийпонларида уюштирилмоқда. Шу кунларда 785 кўчма дўкон, дала шийпонларида 1342 та сотувчисиз дўкон ташкил этилган. Улар кундалик зарур товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган. Республикамиз қишлоқ меҳнаткашлари ўз олдиларида турган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришлари учун зарур бўлган барча чора ва тадбирлар амалга оширилади.

Қашқадарё области. Қарши чўлининг истиқболи порлоқ. Келгусида янги ўзлаштирилган ерлардан 1 миллион 300 минг тонна пахта етиштириш режаланмоқда. Ҳозир бу катта ишга ҳозирлик кўриляпти. Қарши магистрал канали қурилиши қизғин давом этмоқда. Бу сурат каналнинг 6-насос станцияси қурилишидан олинган.

Н. Ключнев ва Р. Шиялов фотоси (ЎзТАГ).

ФАН ВА ҲАЁТ

АВТОМАТ БОШҚАРУВ

Марказий статистика бошқармаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Энергетика ва электрлаштириш министрликларида автоматик усулда бошқарилувчи ҳисоблаш марказлари ташкил қилинган. Бу ҳисоблаш марказларида дастлаб «Урал-1» электрон ҳисоблаш машинаси қўлланилиб, уларда об-ҳавони ўрганишга оид масалалар, давлат стандартини (ГОСТ) тузиш муаммолари ҳал қилинган бўлса, кейинги пайтда бу ҳисоблаш марказлари Иттифоқимизда ноёб бўлган «М-20» маркали янги ҳисоблаш машиналари олди.

Бу янги машиналар ёрдамида республикамиз халқ хўжалигини планлаштириш, энергетика ва электрлаштириш тармоқларини автоматик усулда планлаштириш ва бошқариш масалалари ечилмоқда.

Тематиканинг кенгайиши, корхоналар билан алоқанинг кундан-кун мустаҳкамланиши натижасида электрон-ҳисоблаш машиналарини халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланиш назарда тутилмоқда. Бу борада Кибернетика институти ижодий коллективи электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида корхоналарни автоматик равишда планлаштириш ва бошқаришга ўтиш устида тинмай илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Дастлабки натижалар чакки эмас. Чирчиқ электр кимё комбинати, В. И. Ленин номидаги Олтинтопган комбинати, «Ташкенткабель» заводи, «Бухоро-нефтегаз» бирлашмаси, Тошкент самолётсозлик заводи, «Узглавметаллоснабсбыт» корхоналарида ҳисоблаш машиналари ёрдамида планлаштириш ва бошқариш муваффақиятли синовдан ўтиб, ҳаётга татбиқ қилина бошлади.

Электрон-ҳисоблаш машиналарини газ саноати, қурилиш, медицина кибернетикасида қўлланиш кўзда тутилмоқда.

Ш. ФОЗИЛОВ.

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Фарғона область партия комитетида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда область, шаҳар, район газеталари ва радио эшиттириш редакцияларининг ходимлари, журналистлар қатнашдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг жанговар программасидир» деган темада доклад қилди. Шундан сўнг Ф. Шамсиддинов журналистларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир бир қанча саволларига жавоб берди.

А. ОРТИҚОВ,
«Коммуна» газетаси редактори ўринбосари.

Илмий-техника тараққиёти — беш йиллик байроғи

МАЪДАН ИЗЛОВЧИЛАР

Одамзод коинот сирларини очмоқда. Лекин бундоқ ўйлаб қарасак ҳали она еримиз ҳам сир-асрорлар пардасига ўралгандир. Дарҳақиқат, ернинг чуқур қатламларини ўрганиш борасида ҳали кўп иш қилиниши керак. Энг чуқур қудуқ эндигина ер қаърининг саккиз километрига кириб борди. Бундан буён 15-18 километрли қудуқлар қазиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун мураккаб ускуна ва аппаратуралар зарур. Ўн миллионлаб сўм пул харжлаш керак бўлади.

Республикамизда қазилаётган нефть ва газ қудуқларининг чуқурлиги 3-6 километрдан нарига ўтмаса-да, катта-катта муаммолар «мана мен» деб турибди. Маълумки, қудуқлар қазиш жуда қимматга тушади. Шу боисдан ҳам ҳар бир разведка мақсадида қазилган қудуқ ер қаърининг тузилиши ҳақида тўкис маълумот бериш билан бирга кўпроқ ёнилғи ҳам олинишини таъминлаши учун курашиш керак.

Келгуси беш йилликнинг охирига келиб Ўрта Осиё республикаларида миллион-миллион тонна нефть ва 75 миллиард куб метр табиий газ чиқарилиши керак. Бунинг учун эса кўпдан-кўп қудуқлар қазилади. Энг муҳими шундаки, нефть ва газ саноатига сарфланаётган капитал маблағларнинг деярли ярми қудуқлар қазиш учун сарфланади. Бу катта ва масъулиятли вазифаларни бажармоқ учун пармакашларимиз қўлида қудратли техника бор, уларнинг тажрибаси ҳам етарли. Лекин афсуски, ҳанузгача ҳам неча метр қудуқ кавланганлиги асосий кўрсаткич деб рўкач қилинмоқда ҳамда пармалашда фан ютуқларидан ҳамма вақт ҳам фойдаланиляпти дейишга тил бормайди.

Республикамиз олимлари Газли кони ва Янгиқазғон чуқур қудуқлар пармалаш экспедицияси ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб, қудуқлардан газ чиқариб олишни икки баравар ошириш мумкинлигини амалда кўрсатдилар. Илгаридан танлаб олинган актив модданинг қўлланилиши туфайли 44-қудуқдан газ чиқариб олиш 305 минг куб метрдан 630 минг куб метр кўпайди. Бир қудуқдан шунча миқдордаги ёнилғи бир кеча-кундузда қазиб олинаётганлигини айтсак, бу тажрибанинг моҳияти «ялт» этиб кўзга ташланади. Доёхотин, Қулбешқоқ, Қондим Оққум, Парсонкул каби газ конларида қазилган разведка қудуқларидан бир кунда 5-7 минг куб метр газ олинаётган эди. Янги илмий усулларнинг қўлланилиши туфайли газ чиқариш ҳар бир қудуқдан бир кеча-кундузда 200-300 минг куб метрга етди. Янги методларни қўллаш шарофати билан газ чиққан бўлса ҳам, лекин у саноат эҳтиёжи учун шошапиша аҳамиятсиз деб баҳоланган структураларда ҳам қайтадан қидирув ишлари олиб бориш зарурлигини кўрсатди. Демак, маҳсулдор қатламларни очиш усулларини қайтадан таҳлил қилиб чиқиш учун вақт етилди.

Мақтовга арзигулик натижалар маҳсулдор қатламларни карбонат эритмалари ёрдамида қайта ишлаш натижасида қўлга киритилди. Авваллари шу мақсадда лойқа эритмаси ишлатилар эди. Карбонат эритмасидан фойдаланиш нефть ва газ чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда пармалаш жараёнини ҳам енгиллаштиради.

Карбонат эритма тайёрлаш учун бўр ёки оҳактош ишлатилади. Бундай хом ашё эса республикамизда жуда кўп. Нефтиободдаги гилли порошок тайёрлайдиган заводда технология жараёнини ўзгартирмасдан бу корхона тегирмонларида оҳактошни майдалашга ўтиш мумкин. Бўлак корхоналарда ҳам тўла қувват билан ишламаётган тегирмонлар бор. Нефтиобод заводи яқинида оҳактош кони ҳам борлиги учун иш осон кўчади. Заводда 80 тонна оҳактош тажриба тариқасида ишланганида яхши натижа берди. **Дастлабки хомчўт ҳисоб-китобларимизга қараганда, газли ва нефтли қатламларни янги усуллар билан ишга солиш туфайли келгуси беш йилликда Ўрта Осиё конларида қўшимча тарзда 50 миллион сўмлик ёнилғи қазиб олиш мумкин.**

Нефть қудуқларга сув уриб кетмаслиги ҳамда газнинг бир қатламдан иккинчи қатламга кўчиб ўтмаслиги учун республика олимлари бирталай тадбирларни ишлаб чиқиб уни конларда синаб кўрдилар. Хусусан, Учқир газ конида бир қанча қудуқлар юқоридаги сингари камчиликлар содир бўлиши ва, уларга қарши чоралар кўрилмаслиги оқибатида ёпиб қўйилди. Лекин республикадаги анчагина пармалаш ташкилотлари бу янги усулни амалда қўлланмаётганликлари кишини таажжублантиради.

Ҳар бир қудуқдаги иккита-учта ва ундан кўп қатламлардан бир вақтнинг ўзида ёнилғи қазиб олиш қудуқлар қазишни камайтириш ҳисобига кўпдан-кўп давлат маблағини тежаб қолишга имкон берган бўлур эди. Шу мақсадда Ўрта Осиё илмий-тадқиқот газ институти ходимлари зарур ускуналар конструкциясини ҳам яратишди.

Пармалашдек мураккаб ва нозик ишда инженернинг кунти, тажрибаси, истеъдоди билан бир қаторда катта журъат ҳам лозим. Эскириб қолган инструкцияларга қаттиқ ёпишиб олиш билан техника тараққиётига тўғаноқ бўлиш мумкин, холос. Техникани тараққий эттирмоқ учун ҳар бир амалда синаб кўрилган янгиликни ишлаб чиқаришга зудлик билан татбиқ этабориш лозим.

Ў. МАМАЖОНОВ,
Ўрта Осиё газ илмий-тадқиқот институтининг директори, техника фанлари доктори.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширамиз!

ЕРГА МЕҲР

Ж. ЮСУПОВ,

Пастдарғом районидаги К. Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

◆ ◆

КОЛХОЗИМИЗ Самарқанд областининг йирик ва юқори ҳосилли хўжаликларидан бири. Колхозчиларимиз пахта усталари деб ном чиқаришган. Колхоз ёки совхоз одатда элга ўзининг ибратли иши, етиштирган мўл ҳосили, экономикасининг мустаҳкамлиги, колхозчилар ёки совхоз ишчиларининг моддий ва маданий даражаси қандай юксалаётганлиги билан танилади. Уларнинг аъзоларига эса қандай меҳнат қилаётганликлари ва бу меҳнат қандай натижалар бераётганлигига қараб баҳо берилади.

Меҳнат билан ҳосил эгизак. Аммо кўп ҳосил олиш учун қандай меҳнат қилишни билиш керак. Кўп меҳнат қилиб, оз ҳосил оладиганлар ҳам бўлади. Меъёрида куч-ғайрат сарфлаб, кутилганидан яхши натижага эришиш даркор. Колхозимиз аъзолари шундай қилиб келишяпти. Улар чигитни қўшни хўжаликларнинг аъзолари билан бир вақтда экишади. Ғўзани улар қатори парвариш қилишади. Аммо анча кўп ҳосил олишади.

Кейинги тўрт йилда колхозимизда ҳар йили гектаридан ўртача пландаги 25,8 центнер ўрнига 36,5 центнердан ҳосил олинди. Ўтган тўрт йилда давлатга 27 минг 17 тонна пахта сотилди. Бу, мўлжалдагидан 2914 тонна кўпдир.

Меҳнатнинг таги роҳат дейди халқимиз. Мўл ҳосил кўп даромад келтирмоқда. Хўжаликнинг экономикаси йил сайин мустаҳкамланиб боряпти. Колхозчиларнинг меҳнатига тўланаётган ҳақнинг миқдори ошяпти, фаровонлик даражаси юксаляпти. **1968 йили пахтачиликдан 2 миллион 569 минг 500 сўм даромад қилинган эди. Бултурги даромадимиз бундан 131 минг 700 сўм кўп бўлди. Ўтган йили пахтачиликдан 214 минг 800 сўм соф фойда олинди.** Колхозчиларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлиги янада кучайди. Бултур колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи карийб 130 сўмга тўғри келди.

Бу каби қувончли натижаларга эришаётганлигимизнинг боиси бор, албатта. Биз суғориладиган ерларда деҳқончилик қиляпмиз. Пахта ана шу ерларда етиштириляпти. Суғориладиган ерларнинг ҳар гектари эса олтинга тенг.

Демак, суғориладиган ерлар бизнинг жуда катта бойлигимиз. Колхозимиз аъзолари уни қадрлашади, ҳосилдорлигини ошириш, у нимаики беришга қодир бўлса ҳаммасини олиш учун ҳаракат қилишади.

Пахта майдонлари бизда одатда кузда ўғитлаб, чуқур шудгор қилинади. **Қишда яхоб берилиб, тупроқда етарли миқдорда нам тўпланади.** Мен бу сўзларни алоҳида таъкидлаб айтаётганимнинг боиси шуки, баҳор одатда кам ёғин ва иссиқ келадиган бизнинг шароитимизда яхобнинг жуда катта аҳамияти бор. Қиш ва эрта баҳорда тупроқда қанча кўп нам тўпланса, экилган чигитни ундириб олиш шунча осон бўлади, чигит суви бераман деб овора бўлинмайди. Кўчат бут, гектарлар тўла бўлади. Шу туфайли бошқалар чигит суви бераман деб овора бўлиб юрганда биз барча майдонда эрта муддатларда бир текис ундириб олинган ғўзани яганадан чиқарамиз.

Кези келганда жуда кўп гапириладиган, аммо ҳар йили камчиликка йўл қўйиладиган, натижада ҳосилдорликка ёмон таъсир кўрсатадиган муҳим агротехника тадбири—яганалашга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Агар ягана вақтида ва сифатли ўтказилмаса, ҳар бир уяда белгиланган миқдорда соғлом кўчат қолдирилиб, ортиқча ғўза туплари олиб ташланмаса мўлжалдаги ҳосилни олиб бўлмайди.

Баъзи одамлар ҳосил кўчатдан олинади деган гапнинг маъносини нотўғри тушунишади ёки куч етишмади деган баҳона билан яганалашга эътибор беришмайди. Уяларда белгиланганидан кўп кўчат қолдиришади. Оқибатда нима бўлади? Бир уяда қолдирилиши лозим бўлган 2-3 туп ғўзанинг озиғига, сувига, ернинг қувватига 5-6 туп, ҳатто бундан ҳам кўпроқ ўсимлик шерик бўлади. Ахир, ҳар гектар ерга маълум миқдорда минерал ва маҳаллий ўғит, сув берилади. Кўчат керагидан ортиқча бўлса ғўза қуёш нуридан, ҳаводан ҳам яхши баҳраманд бўлолмайди.

Ғўза жуда нозик экин. У яйраб ўсмаса, керагича озиқланмаса, сув ичмаса, қуёш нуридан, ҳаводан яхши баҳраманд бўлмаса нормал ривожланмайди, танаси ингичка бўлиб қолади, шохламайди. Демак ҳосили кўнгилдагидек бўлмайди. Бир гектар ерда 90-100 минг туп ўсимлик бўлса, унинг ҳар тупида 14-15 тадан бўлиқ кўсак ҳосил қилинса, шунинг ўзи 40-50 центнер ҳосил деган гап.

Биз чигит униб чиқиши биланоқ яганалашнинг ҳаракатида бўламиз. Чигит оддий усулда экилган майдонлардаги экинни кўндалангига қирқиб, квадратлар ҳосил қиламиз. Шундан кейин барча колхозчиларни сафарбар этиб, бошда квадратуялаб экилган, ҳам кўндалангига қирқилган майдонлардаги уялардан ортиқча ғўза тупларини олиб ташлаймиз. Айни вақтда уяларда қолдирилган ғўза тупларининг атрофига тупроқ уюб ўсимлик рострлаб кетилади. Яганалаш ўтказиладиган бир ҳафта давомида колхоз раҳбарлари, бригада бошлиқлари ишнинг сифати устидан қаттиқ контроллик олиб борадилар ва бу муҳим агротехника тадбири кўнгилдагидек бажарилганига қаноат ҳосил қилингач хотиржам бўладилар.

Колхозимизда ғўзани эрта муддатда озиқлантиришга алоҳида эътибор берилади. Чунки ердан энди униб чиққан мурғак ниҳол озиқ моддаларга жуда муҳтож бўлади. Лекин ўғит тупроқ таркибидаги азот ва фосфор моддаларининг кўп-озлигига қараб тупроқ картаси асосида солинади. Агар бундай қилинмаса, азот талаб ерга фосфор ва фосфор талаб ерга азот солинса, ўғитдан фойда ўрнига зарар кўриш мумкин. Ўғит бригадаларга тупроқ картасига қараб берилади ва у ерга мутахассислар назорати остида солинади. Энг муҳими, барча майдондаги экин кечи билан 15 июлгача минерал ўғитлар билан озиқлантирилиб бўлинади. Чунки бундан кейин солинган ўғит ҳосилнинг етилишини кечиктириб юборади.

Бизда ҳар йили сентябрь ойида кўсакларнинг 30-40 проценти очилади ва пахта тайёрлаш плани, олинган мажбурият октябрь ойидаёқ бажарилади. Негаки, чигитни барвақт экиб ва ундириб олиб, яганалашни эрта муддатда тамомлаб ва ғўза парваришини сифатли ўтказиб, ҳосилнинг етилишини имкони борича тезлаштирамиз. Шу туфайли давлатга нуқул юқори сифатли пахта сотамиз, йиғим-терим ишларини қисқа муддатда тугаллаймиз ва еримизни барвақт шудгор қилиб қўямиз.

Шуни унутмаслик керакки, эрта қилинган шудгор билан кеч ўтказилган шудгор ўртасида катта фарқ бор. Шудгор эрта ўтказилса ер яхши дам олади, солинган ўғит қор-ёмғир суви таъсирида эриб, тупроққа яхши сингади, ернинг кучини оширади ва ҳосилдорлик гектар бошига икки-уч центнер кўтарилади.

Яна бир муҳим масала. Биз ғўзани ортиқча культивация қилмаймиз. Лекин культивациянинг сифатли ўтказилишини, чуқурлиги ва кенглиги белгиланган даражада бўлишини таъминлаймиз. Шу йўл билан суғориш натижасида тупроқда ҳосил бўлган намни узоқроқ сақлашга эришамиз, ғўзанинг чанқаб қолиши, ортиқча суғориш натижасида ғўза сувхўрак бўлиб қолишига йўл қўймаймиз. Ғўза парвариши даврида қатор оралари қанча чуқур юмшатилса, биринчидан, культивациядан илгари берилган сувнинг нами шунча узоқ сақланади. Иккинчидан, навбатдаги суғоришда нам чуқурроқ сингади, тупроқ намга тўйиб олади. Тупроқ намга тўйса ғўза сувга тўяди.

Яна шуни айтиш керакки, колхоз раҳбарлари, мутахассислар ва бригадирлар суғориш билан культивация ўртасида узилиш бўлишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўрадилар. Бригадаларнинг пахта майдони катта-кичиклигига қараб икки ёки учга бўлинади. Биринчи бўлак суғорилаётганда иккинчи қисмда культивация ўтказилади. Сўнг сувчилар ва механизаторлар ўрин алмашишади ва сувдан чиққан майдон культивация қилиниб, культивация қилинган майдонни суғоришга киришилади.

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация шохобчаларини кенгайтириш ва улардан тўғри фойдаланиш, алмашлаб экишни жорий қилиш, экинни агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштириш юзасидан колхозда амалга оширилаётган тадбирларнинг комплекси суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш учун қилинаётган ҳаракат демакдир.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Баъзилар суғориладиган ерлардан яхши фойдаланиш фақат янги ерларни ўзлаштириш, эскидан экин экиб келинаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб экишни жорий қилишдан иборат дейишади. Бу тўғри албатта. **Шу билан бирга, суғориладиган ерга экилган экинни яхши парвариш қилиш ва ундан мўл ҳосил олиш ҳам керак.** Акс ҳолда янги ер ўзлаштирилса, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланса, алмашлаб экиш жорий қилинса-ю, ана шу ерларга экилган экинлар яхши парвариш қилинмаса ва улардан мўл ҳосил олинмаса бундан не фойда. **Қисқа қилиб айтганда, суғориладиган ерлардан яхши фойдаланиш — ана шу ерлардан мўл-кўл маҳсулот олиш демакдир. Кўп маҳсулот оламан деган киши ерни кузда ўғитлаб сифатли шудгор қилади, қишда яхоб беради, баҳорда экишга яхшилаб тайёрлайди ва ёз даврида экинни парвариш қилиш мақсадида ерга минерал ва маҳаллий ўғит солади, сув қуяди ва ҳоказолар. Шундай қилинса суғориладиган ерлардан яхши фойдаланилган бўлади.**

Колхозимиз аъзолари рисқи-рўзимиз барча бойликларимиз манбаи бўлган ерга чинакам меҳр қўйишган. Уни эрдоқлашади, кучига-куч қўшиш, унумдорлигини ошириш ғамида бўлишади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съездида қилган докладида биз деҳқонлар шундай қилишимиз кераклигини уқтирган эди.

Партиямиз Марказий Комитетининг июль Пленуми суғориладиган ерлардан фойдаланишни янада яхшилаш позимлигини, бизнинг шароитимизда суғориладиган деҳқончиликнинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик суст ривожланаётганини, ҳосилдорлик бир жойда тўхтаб қолганини кўрсатди. Агар ишимизга танқидий назар билан қарайдиган бўлсак, гарчи колхозимиз юқори ҳосилли хўжалик бўлиб, давлат планини ва олинган юксак мажбуриятларни муттасил ошириб бажариб келаётган бўлса ҳам, бу камчиликлар бизга ҳам тўла тааллуқлидир. Масалан, колхоз 1966 йили гектаридан 39,1 центнердан ва кейинги йили 39,6 центнердан ҳосил олган, давлатга 1966 йили 7046 тонна кейинги йили 7071 тонна пахта сотган эди. Кейинги икки йилда ҳосилдорлик гектар бошига 4,3 центнер, ялпи ҳосил эса 723,5 тонна камайиб кетди.

Бунинг сабаблари бор албатта. Умуман Самарқанд области, шу жумладан бизнинг районимиз ва колхозимиз тоғолди зонасида жойлашган. Чигит экиладиган вақтда, ёзнинг дастлабки даврида, ҳосил йиғим-терими палласида ёғингарчилик кўп бўлади. Бу пахтачилик учун жуда ноқулай шароит вужудга келтиради. Бултур ва бурноғи йиллари шундай бўлди. Ҳосил етиштириш ҳам, уни йиғиб-териб олиш ҳам қийин бўлди. Бунинг устига кейинги йилларда экин майдонларимизда пахтанинг энг хавфли касаллиги — вилт пайдо бўлди ва тез тарқала бошлади. Бу офат ҳосилга катта зарар етказди. Айрим участкаларда вилт сабабли ҳосилдорлик 5 центнердан 10 центнергача камайиб кетди.

Аммо ҳамма айбни об-ҳаво шароити ноқулай келганлигига, вилт тарқалганига тўнкаб, ўзимизни оқлаш, йўл қўйилган камчиликларни тан олмаслик нотўғри бўлур эди. Пахта-беда алмашлаб экиш фақат вилт касаллиги тарқалган ерлардагина ана шу офатга қарши кураш ва ҳосилдорликни оширишнинг асосий омили бўлиб қолмай, балки вилт тарқалмаган, аммо неча йиллардан буён сурункасига пахта экилиб келинаётгани натижасида ориқлаб қолган, ҳосилдорлиги бу йил бўлмаса, келгуси йили камайиб кетиши кўриниб турган ерларнинг ҳам унумдорлигини оширишни яхши билардик. Шунга қарамай, яқингача алмашлаб экишга етарли эътибор бермай келдик. Фақат кейинги уч йилда 500 гектар янги ер ўзлаштириб, унга пахта экдик. Вилт тарқалган шунча пахта майдонига эса беда экдик. Агар шундай қилмаганимизда вилт янада авж олиб, ҳосилдорлик ва ялпи ҳосил бундан ҳам кўпроқ камайиб кетиши мумкин эди.

Яқин икки-уч йилда яна 300 гектар янги ер ўзлаштирамиз ва унга пахта экамиз. Вилт тарқалган шунча пахта майдонига эса беда экамиз. Шунда бедапояларнинг умумий майдони минг гектарга етади ва 1973 йилга бориб икки дала пахта ва бир дала бедадан иборат алмашлаб экишни тўла йўлга қўйиш, вилтни батамом тугатиш ва ҳосилдорликни анча ошириш имконияти вужудга келади.

Бу айни вақтда чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, ҳар йили кўп миқдорда витаминга бой беда пичани олиш ва шу тариқа чорва молларнинг маҳсулдорлигини кўтариш, бу тармоқнинг ҳам рентабеллик даражасини ошириш имконини беради.

Бироқ, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида колхоз ва совхозлар пахтачиликни ривожлантириш истиқболларини, янги беш йиллик марраларини белгилаш билан бир қаторда, шу йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни кескин ошириш чораларини кўришлари керак. Бунинг учун ички резервларни қидириб топиш ва ишга солиш, барча имкониятлардан тўла фойдаланиш даркор. Колхоз правлениеси, партия ташкилоти мутахассислар, бригада бошлиқлари, механизаторлар, тажрибали деҳқонлар билан биргаликда хўжаликда бу йил ҳосилдорликни кескин ошириш имконини берадиган резервларни аниқлаб чиқдилар. Маълум бўлишича, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини бу йил 4,5-5 центнер ошириш мумкин.

Буни қуйидаги мисолдан кўрса бўлади. Область Советининг депутати Мели Қўчқоров бошлиқ бригада агротехника тадбирларини мукаммал амалга ошириш техника, ишчи кучи, ўғитлар ва сувдан оқилона фойдаланиш туфайли ҳатто вилт касаллиги тарқалган ерларда ҳам ҳосилдорликнинг камайиб кетишига йўл қўймади, балки тобора ошиб боришини таъминлади. Бу бригадада 1966 йили гектаридан 40,1 центнердан ҳосил олинган эди. Бултур эса ҳосилдорлик 47,9 центнерга етди. Бу йил ана шу бригада тўла алмашлаб экишга ўтди ва ғўзани намунали парвариш қилиб, жуда яхши ривожлантиряпти. Ҳозир бригаданинг ҳар гектар ерида 98-100 минг туп кўчат, ҳар туп ғўзасида 8-10 тадан бўлиқ кўсак бор. Бригада аъзолари август ойида ҳам экиннинг парваришини бўшаштирмай давом эттириб, ҳар туп ғўзадаги кўсаклар сонини камида 15 тага етказиш, ҳосилни эрта етилтириш ва **бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта териб олиш ҳақида сўз бердилар. Бултур гектаридан 43,6 центнердан ҳосил олган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ленин орденли Бойтўра Кўмаков, 42 центнердан ҳосил олган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Халфа Эргашев бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари ҳам КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига жавобан гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш ҳақида ваъда беришди. Колхоздаги бригадаларнинг кўпчилиги гектардан 42-45 центнердан, бултур колхозда эришилган даражадан кам ҳосил олган айрим бригадаларнинг коллективлари эса 38-40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашяпти.**

Колхоз коммунистларининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини, янгиариқликларнинг ташаббуси ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бу ҳақда қабул қилган қарорини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленуми қарорини муҳокама қилиб, бу йил колхозда ҳар гектар ердан 40 центнердан уруғлик пахта олишга қарор қилинди.

Шуни айтиш керакки, колхозимиз аъзолари қуруқ ваъда бермайдиган, доим сўзининг устидан чиқиб келган, обрў учун курашадиган одамлар. Улар партия йиғилиши қарорини бир оғиздан маъқуллар эканлар, экиннинг ҳозирги аҳволини ҳисобга олдилар, август ойида қилинадиган ишларни қатъий белгиладилар.

Юқорида айтганимдек, бизда ҳар бир иш ўз вақтида ва ниҳоятда сифатли бажарилади. Ғўза ортиқча ўғитланмаганидек, бекорга культивация ҳам қилинмайди, талаб қилмаса суғорилмайди. Ҳозиргача экин уч марта узунасига ва икки марта кўндалангига культивация қилинди, уч марта суғорилди. Ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантириш асосан 5-10 июль ўртасида тугалланди. Ривожланишдан бир оз орқада қолган ғўзаларнигина минерал ўғитлар билан озиқлантириш 15 июлгача давом эттирилди. Ҳозир экинни маҳаллий ўғит билан озиқлантириш, «шарбат» оқизишга зўр берляпти.

Шуни унутмаслик керакки, ҳозир асат. Бу даврда эҳтиёт бўлинмаса, ғўза парвариши сусайтириб юборилса, экин сувдан тўлиқтириб қўйилса ёки ортиқча суғорилса яхши ғўзани ёмон қилиб қўйиш, аксинча парвариш сифатли давом эттирилса ҳўсилга-ҳосил қўшиш мумкин. Биз ишни шуни ҳисобга олиб давом эттиряпмиз.

Шу кеча-кундузда делада 60 та культиватор, 210 сувчи ишляпти. Ҳар куни 300 гектар майдондаги экин сифатли культивация қилиниб, 145-150 гектар ердаги ғўза қондириб суғориляпти. Август ойида мавжуд 2000 гектар майдондаги ғўзани икки марта культивация қилиш, икки марта суғоришни мўлжаллаяпмиз. Шунда ҳар туп ғўзадаги кўсаклар сони ўрта ҳисобда 12 тага етади.

Бизда шундай тартиб ўрнатилган. Белгиланган тадбир албатта амалга оширилади. Бригадир правление топшириғини, механизатор, сувчи ва бригаданинг бошқа аъзолари эса бригадирнинг кўрсатмасини албатта бажаради. Айни вақтда фақат сон учунгина эмас балки сифат учун ҳам қатъий кураш олиб борилади.

Иш сифатли бўлиши учун уни тўғри ташкил этиш керак. Кунлар қаттиқ исиган ҳозирги кунларда, сувчиларни истесно қилганда, колхозчилар ва механизаторлар ишни эрталаб соат бешда бошлашади ва кундуз ўн биргача давом эттиришади. Сўнг кундуз соат бешгача дам олишади ва сўнг яна қош қорайгунча ишлашади. Суғориш икки сменада ташкил этилган.

Хулоса қилиб айтганда, **пахтакорларимиз бу йил давлатга камида 8000 тонна юқори сифатли уруғлик пахта сотиш ва шу тариқа беш йиллик давомида етиштириладиган «оқ олтин» миқдорини пландаги 24 минг 98 тонна ўрнига камида 35 минг тоннага етказиш мажбуриятини олиб, областнинг барча пахтакорларига ўзларидан намуна олиш ҳақидаги чақириқ билан мурожаат қилдилар.** Уларнинг ватанпарварлик ташаббусини область партия комитети маъқуллади. Колхозчилар ерга бўлган меҳримизни янада оширамиз, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига жавобан суғориладиган ерлардан фойдаланишни тағин ҳам яхшилаймиз, пахта етиштиришни тобора кўпайтирамиз дейишяпти. Пахтакорларимиз ўз сўзларининг устидан чиқишларига, пахтачиликни юксалтириш учун курашнинг олдинги сафида боришларига шубҳа йўқ.

Калинин районидаги «Москва» совхозининг сабзавоткорлари Тошкент шаҳри аҳолисига кўплаб ноз-неъматлар етказиб беряпти. Ҳозир совхоз далаларида помидор, сабзи, бақлажон ва бошқа хил маҳсулотлар мўл-кўл етилмоқда. Суратда: илғор ишчи Анор Умбетова узилган помидорни пайкалдан олиб чиқяпти.

А. Тўраев фотоси.

МАКТАБЛАР ТАЙЁР

Андижон область маориф ходимлари янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар Янгиариқ район халқ маорифчиларининг ташаббусига қўшилиб, мактаблар ремонтини барвақт тамомлашга ҳаракат қилишяпти.

Бўз райони маорифчилари областда биринчи бўлиб мактаблар ремонтини тамомладилар: 36 та мактаб капитал ва жорий ремонтдан чиқарилди. Олтита мактаб қошидаги 235 ўринли интернат болаларни қабул қилишга тахт қилиб қўйилди. Айрим мактабларда синфхоналар кенгайтирилди ва улар янги парталар билан таъминланди.

Москва, Балиқчи, Избоскан, Андижон районларида ҳам барча билим даргоҳлари янги ўқув йилига тайёрлаб қўйилди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА

НУКУС, (ЎзТАГ). «Қорақалпоғистон» нашриёти дарсликларни батамом чиқариб бўлди.

Қорақалпоқ тилида «Алифбе», «Ўзбекистон ССР географияси» ва бошқа китоблар нашр қилинди.

ҲУШЁРЛИК

УРГАНЧ, (ЎзТАГ). Янгиариқ районидаги «Ленинизм» колхози ўрта мактабининг саккизинчи синф ўқувчиси Саъдулла Қутлимуродов темир йўл ёнидан ўтиб кетаётганида темир йўл изининг қийшайиб кетганини кўриб қолди. Яқин орада шу жойдан Қўнғирот—Тошкент поезди ўтиши керак эди. Йигитча йўлчилар томон югурди. Поезд ўз вақтида тўхтатиб қолинди.

Темир йўл Чоржўй бўлимининг раҳбарлиги ҳушёр ўқувчига ёрлиқ ва мукофот берди.

ЖЎХОРИЗОРДА

Эрта тонг. Ғир-ғир эсган шабадада жўхоризор шовуллайди. Бригадир Эгамберган Қурбонов билан бу ерга келганимизда, далада иш қайнаётган эди.

— Мана шу 10 гектарли картани янги ўзлаштириб, дон учун оқжўхори экканмиз. Ҳосили чакки эмас. Бошоқларига қаранг пишай деб турибди, — деди бригадир.

Сердон бошоқлар кўзни қувонтиради. Қатор ораларни механизатор Рўзим Қурбонов юмшатяпти. Ҳозиргина культиватор ўтган эгатларга Қуронбой ота Шокиров сув тарамоқда.

Жўхоризорда меҳнат қилаётган азаматлар билан суҳбатлашарканмиз, чорва қишда тўқ бўлиши учун улар зўр фидокорлик кўрсатаётганликларини ҳис этдик. Янги ернинг ҳар гектаридан 30 центнер оқжўхори дони ва 500 центнер кўкпоя етиштириш бригада аъзоларининг қатъий аҳдидир.

Гурлан районидаги «Ўзбекистон» колхозининг ем-хашак тайёрлаш бригадасида шу кунларда ижодий меҳнат ҳар қачонгидан жўшқин. Бригада аъзоларининг бутун куч-ғайрати чорва моллар учун мўл-кўл озуқа жамғаришга қаратилган.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР БРИГАДАСИДА

Зубайд Искандаров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси Оқдарё районидаги «КПСС XXII съезди» колхозида пешқадам ҳисобланади. 160 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилган ана шу бригада ғўзалари кунда бир яшнамоқда. Кўпчилик майдонлардаги ҳар туп ғўзада ҳозир 9-10 тадан кўсак бор.

Бригада аъзолари август ойи давомида ҳар туп ғўзада тағин 4-5 тадан кўсак бўлишини таъминлаш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаб меҳнат қилаётирлар. Қатор ораларини культивация қилиш, ғўзани суғориш, чеканка қилиш ва бошқа агротехника тадбирлари бир-бирига боғлиқ ҳолда ўтказилмоқда. Шу боисдан ҳам ғўзалар серҳосил бўлиб ривожланмоқда.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ОПТИКАНИНГ ИККИНЧИ ЙЎЛИ

СОВЕТ ФИЗИГИНИНГ КАТТА КАШФИЁТИ

Голография-оптиканинг янги бир тармоғидир. У янги йўллар билан ҳажмли ва рангли тасвирлар олишга, кўринмайдиган нарсаларни эса кўринадиган қилишга имкон берди. Голографиянинг назарий асослари ва амалий процессларини совет физиги Ленин мукофотининг лауреати Ю. Н. Денисюк ишлаб чиқди. Унинг голограмма олиш ва кўрсатиш методлари борасидаги асосли тадқиқотлари СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ихтиро ва кашфиёт ишлари комитетининг мажлисида кўриб чиқилиб, ҳозирги замон физикасининг катта кашфиёти деб топилди.

Электромагнит майдони физик табиатининг ўзида ёруғликнинг голографик тасвир бериш қобилияти бор. Совет физиги Ю. Н. Денисюк оптиканинг ана шу яширин «истеъдодлари» сирини назарий жиҳатдан очиб беришга биринчи муваффақ бўлди. Ю. Н. Денисюк С. И. Вавилов номли давлат оптика институтида нозик физик тадқиқотлар билан шуғулланиб негизли назарий базис яратди ва амалий голография процессини ривожлантирди.

Унгача инглиз физиги Д. Габор нарсаларнинг хира тасвирларини олган эди. Бу тадқиқотчининг иши электрон микроскопия эҳтиёжларини қондиришга мўлжаллангандир.

Ю. Н. Денисюк ўзининг чуқур назарий ечимларига асосланиб, «Линзасиз оптика» принципларини, ҳажмли ва рангли голограммалар йўлини таклиф қилди.

Бу машҳур кашфиётнинг моҳияти нималардан иборат? Ўзига ёруғлик тушиб турган ҳар қандай нарса ёруғлик ва соя қатламлари системаларидан иборат турғун тўлқин қатламлари билан қуршалган. Бу манзарани қуролланмаган кўз билан кўриб бўлмайди. Чунки ҳар бир қатламнинг қалинлиги миллиметрнинг мингдан бир улушидан ҳам ошмайди. Олим ана шу манзарани акс эттирмоқ учун қоронғуликда нурланиш манбаи-лазер билан нарса ўртасида қалин фотоэмульсия қатлами югуртирилган пластинка қўйишни таклиф этди. Ишлов берилгандан сўнг тайёр фотография—голограммага оқ ёруғлик туширилганида, ҳажмли манзара бериб, бу сурати олинган нарсанинг тасвирини ғоятда аниқ қилиб кўрсатади. Голограмма ёзуви лазерларнинг кўк, қизил ва яшил нурларида туширилган бўлса, тасвирланувчи нарса рангли кўринади.

Хўш, голографиянинг қандай имкониятлари бор?

— Голография амалда қўлланила бошлаган дастлабки пайтлардан бошлаб, — дейди Юрий Николаевич Денисюк, — реал нарсаларнинг тўла «сезиш» ҳолатини вужудга келтирувчи тасвирлар олишдан фойдаланила бошлади. Бундай тасвирлар ноёб санъат асарларидан нусха кўчиришда қулай бўлиб чиқди.

Кейинчалик оптиканинг мана шу соҳаси ҳажмли кино ва телевидение яратишга имкон берди.

Голограммаларда нарсаларнинг умумий қиёфасигина эмас, шу билан бирга унинг бетидаги ҳамма жуда майда чизиқ ва тирналишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам ёзиб олинади. Масалан, битта қолип ёрдамида ясалган иккита бирдай деталл голограммаларда турлича бўлиб чиқади. Чунки ушбу деталлар юзининг микроструктураси умуман олганда ўзининг фарқ қилувчи хусусиятларига эга.

Голография фан ва техниканинг бундан буён равнақ топиши учун янги имкониятлар очиб берди. Эндиликда микроскопик дунё зарраларининг голограммасини олиш ва молекула катталигидаги нарсаларни ёки ҳатто атомни кўра билиш мумкин.

Голограммада ҳажмли манзараларни кўришга имкон берадиган асбоблар — радио тўлқинлар, рентген нурлари ва электрон нурлар, қисқа тўлқинли ёруғлик нурланиши ва ҳатто товушдан иборатдир. Масалан, тадқиқотчилар узун тўлқинли радиодиапазондан фойдаланиб, туман ва булутлар орасидан ҳам кўра олишлари мумкин.

Голографик оптика олдида кенг истиқболлар очилмоқда.

А. ПРЕСНЯКОВ,
(ТАСС мухбири).

Хатларингизга жавоб берамиз

САВДО ЯХШИЛАНДИ

«Сўх» совхозидаги мева-сабзавот дўконларида сифатсиз, ириган маҳсулотлар бўлади. Район матлубот жамияти аҳолини сабзавот билан таъминлашни йўлга қўйса бўлмасмикин?

Риштон районидаги газетхонлардан келган бу хат текшириш учун район матлубот жамиятига юборилди. Матлубот жамиятининг раиси А. Йўлдошевнинг редакцияга хабар қилишича, хатда кўрсатилган факт район матлубот жамиятининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинган. Сўх матлубот жамияти раиси Ҳасанов ва тайёрлов идорасининг директори Содирбеков ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилган.

Совхоз территориясидаги барча дўконларда сабзавот ва мева бўлиши юзасидан тегишли тадбирлар белгиланган. Ҳамма сабзавот дўконларида сабзавот ва мева савдоси яхши йўлга қўйилди.

ҲАЙФСАН БЕРИЛДИ

Катта умид билан бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошим Т. Рўзиев шаҳарга ўқишга кетди-ю, қилиқ чиқарди. Аввалига ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ деб юриб энди бутунлай ташлаб кетди. Эшитишимча ўзи ўқиётган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида ишловчи бир аёлга уйланмоқчи эмиш.

Ушбу сўзларни Қарши шаҳар Рудакий кўча 4-уйда яшовчи Кичик Давидованинг хатидан келтирдик. Хат текшириш учун институтга юборилди.

Институт қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети партия бюросининг редакцияга хабар қилишича, хат юзасидан текшириш ўтказилган. Т. Рўзиевнинг ахлоқи факультет комсомол ташкилотининг йиғилишида шикоятчи К. Давидова иштирокида муҳокама қилинган. Т. Рўзиевга шахсий дафтарчасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган.

ТУЛА ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

УРГАНЧ, (ЎзТАГ). Тула Давлат филармониясининг оперетта ансамбли Ўзбекистон бўйлаб гастролини Урганчда спектакллар кўрсатиш билан бошлади. Ёш коллектив репертуарида Кальман, Легар опереттлари, ҳозирги замон авторларининг асарлари бор.

АХБОРОТ

ЯНГИЛИКЛАР

«Оқ қайин» соати

Арманистон пойтахти Ереванадаги нафис соатлар заводида янги хил кўринишдаги маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришилди. «Акзция», «Оқ қайин» деб ном олган бу соатлар ўзининг бежиримлиги, вақтни аниқ кўрсатиши билан аввалгиларидан фарқ қилади. «Акация»нинг корпуси соф олтиндан ясалмоқда.

Шунингдек, завод ишлаб чиқараётган релели соатлар ҳам кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб қиляпти. Бу соат вақтни кўрсатиш билан бирга бошқа вазифани ҳам ўтайди: жумладан уй бекаси йўғида чироқларни ёқиши, ўчириши ҳамда электр асбобларини токдан узиб қўйиши мумкин.

«Хотирловчи» машина

Москва мамлакатимизнинг турли ерларида жойлашган метеорологик станциялардан, Арктика ва Антарктикадан ҳар куни об-ҳаво ҳақидаги юз минглаб ахборотлар қабул қилади. Биргина Аэроклиматология илмий-тадқиқот институтининг ўзида радиозондлар ёрдамида олинган миллиондан зиёд атмосфера кузатишлари бор. Хўш, буларни қандай қилиб осонлинча қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш мумкин? Метеоролог олимларнинг бундай мураккаб ишларини ҳал қилишда уларга янги маълумотларни шифрлаб берувчи янги машина ёрдамга келди. Энди бу машина ёрдамида махсус карточкаларга жойлаштирилган ахборот-масалаларни бошқа бир машина осонлинча ҳал қилиб берадиган бўлди. Агар сизни Москвада бундан 20-30 йил илгари қандай тезликда шамол эсгани ёки ҳарорат қанақа бўлгани қизиқтириб қолгудай бўлса, мазкур машина дарҳол ўз «хотира»сини баён қилади.

Шофёрни уйқу босганда

Автобус, юк машинасининг бошқарувчиси ёки учувчи кўп йўл босиши ва узоқ вақт ўз кабинасида бўлиши уни чарчатади ҳамда уйқусини келтиради. Бунга сабаб тоза ҳавонинг етишмаслиги. Бунинг олдини олиш мақсадида польшалиқ конструкторлар ўзлари ўйлаб топган электрон аппаратни қўллаб яхши натижаларга эришдилар. Аппарат ёрдамида машина кабинасидаги ҳавони ионлаштириш ва инсон саломатлиги учун муҳим роль ўйнайдиган азонга бойитиш мумкин. Шунда машина ҳайдовчи ва самолёт бошқарувчи ўзини худди чақмоқли момақалдироқдан кейинги ёмғир ҳавосида юргандек ҳис этаркан ва эркин нафас олиб уйқу босмас экан.

Радж Капур Москвада

Ҳиндистонлик машҳур кинорежиссёр, истеъдодли артист Радж Капур ўзининг навбатдаги янги фильми устида ишламоқда. Мазкур фильм «Менинг номим — қизиқчи» деб аталади. Бу картинада СССР Катта театрининг раққосаси Ксения Рябинкина ҳам иштирок этмоқда. Шу кунларда уч серияли бу фильмнинг айрим қисмлари Москвада суратга олиняпти. Радж Капур картинасида Рябинкина Ҳиндистонга қилинган гастроль вақтида халқ ўртасида ном таратган уста қизиқчи билан танишиб қолувчи цирк артисти ролини ўйнайди. Картинанинг биринчи сериясида қизиқчининг ёшлик йилларини ўйнаш Раджнинг ўғилларидан бири Чинтага топширилган.

Таомингиз совимайди

Ригадаги «Аусма» номли пластмасса буюмлари заводида янги хил термослар ишлаб чиқаришга киришилди. Илгари термосларнинг ички қисми шишали қилиб ишланарди. Энди шиша металл билан алмаштирилди. Асосий қисми термос корпусига жойлаштиришдан олдин махсус пенополистирол пленкаси билан ўралади. Ана шундай қилинганда термосга солинган суюқлик 6 соат мобайнида совимай тураверар экан.

Энди конструкторлар бу муддатни 10 соатга етказиш ҳақида ўйлаб, термоснинг ички қобиғини лавсанли металлаштирилган пленка билан ўрашга қарор қилдилар. Янги ўзлаштирилган бундай термосларни яқин вақтларда кўплаб ишлаб чиқаришга киришилади.

Халқаро ҳаёт

СОВЕТ МЕҲМОНЛАРИ КУБАДА

ГАВАНА, (ТАСС). Кубанинг революцион байрами — миллий қўзғолон куни муносабати билан ўтказилган тантаналарда қатнашган КПСС Марказий Комитети секретари К. Ф. Катушев бошчилигидаги Совет делегацияси кеча Куба Коммунистик партиясининг раҳбарлари — Марказий Комитетнинг Биринчи секретари, революцион ҳукумат бош министри Фидель Кастро билан, Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва секретариатининг аъзоси, республика президенти Освальдо Дортикос, Марказий Комитетнинг иккинчи секретари, революцион қуролли кучлар министри Рауль Кастро ва бошқалар билан учрашди. Учрашув дўстона вазиятда ўтди.

Совет делегацияси тушдан кейин Фидель Кастро ва марказий комитет секретариатининг аъзоси Карлос Рафаэл Родригес билан бирга Гавана бўйлаб саёҳат қилди. Меҳмонлар пойтахтдаги бир қанча корхоналарни ва Гавана университетини, ҳисоблаш марказини бориб кўрдилар.

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БОШЛИҒИ ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, (ТАСС). Вьетнам масаласи юзасидан Париж кенгашида қатнашаётган АҚШ делегациясининг янги бошлиғи Дэвид Брюс Франция пойтахтига келди. Д. Брюс ўзини кутиб олган журналистларга мен 78-япли мажлисда Америка делегациясига бошчилик қиламан, деди.

Д. Брюс—Париж музокараларида АҚШ делегациясига бошчилик қилиш лавозимини эгаллаган учинчи кишидир. Д. Брюс ўз ҳаётида турли давлат ва дипломатик лавозимларда ишлаб келган. У 72 ёшда. Д. Брюс 1969 йил март ойидан буён истеъфода эди.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Сурункасига ёққан қаттиқ жала мамлакатнинг кўпгина районларида сув тошқинига сабаб бўлди. Ольше, Островице, Бечва дарёлари қирғоқларидан тошиб, кўпгина жойларни сув босди. Суратда: Чески-Тешина шаҳари яқинидаги сув тошқинидан зарар кўрган темир йўл.
ЧТК—ТАСС фотоси.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

«ЛИБЕРЕЦ-70»

◆ ПРАГА. Кенг истеъмол товарларининг традицион 15-«Либерец-70» ярмаркаси тамом бўлди. Бу ярмарка социалистик Чехословакия енгил саноати ютуқларининг кўриги бўлди. Республикадаги 500 дан ортиқ ишлаб чиқариш кооперативлари ва маҳаллий саноат корхоналари ўзларининг энг яхши буюмларининг 10 минг нусхасини ярмаркага қўйишди. Барча экспонатларнинг қарийб учдан бир қисми Чехословакия саноати 1971 йилдан бошлаб ишлаб чиқардиган буюмлардан иборат.

Либерец ярмаркасида бошқа социалистик мамлакатлар енгил саноатининг корхоналари ҳам бу йил биринчи марта қатнашди. Совет Иттифоқи ва Болгария мўйналари, Германия Демократик Республикасининг кийим-кечак нусхалари, Польшанинг туристик анжомлари томошабинларнинг эътиборини жалб этди.

ЯНГИ ВЕНГРИЯ КИТОБЛАРИ

◆ БУДАПЕШТ. Венгрия китоблари, деб хабар беради МТИ агентлиги, жаҳоннинг 80 дан ортиқ мамлакатига юборилмоқда. Венгрия ҳар йили жами 36 миллион форинтлик 2 миллион 600 мингга яқин ҳар хил китобларни чет элларга сотмоқда. Бу китобларнинг 75 проценти социалистик мамлакатларга юборилмоқда. Совет Иттифоқи Венгриядан энг кўп китоб сотиб олаётган мамлакатларнинг биридир.

БИНОКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

◆ УЛАН-БАТОР. МОНЦАМЭ агентлиги хабар беради: Монголия Халқ Республикасидаги қурилиш ташкилотлари бу йил 5 мингга яқин юқори малакали мутахассислар олди.

Совет Иттифоқи Монголия қурилиш саноати учун миллий кадрлар тайёрлашда катта ёрдам бермоқда. Монгол йигит-қизларидан 61 минг киши кейинги икки йил ичида совет мамлакатидаги олий ўқув юртида ва ҳунар-техника билим юртларида ихтисос орттирди. (ТАСС).

ХИРОСИМА 25 ЙИЛДАН КЕЙИН

Японияда Хиросима шаҳрининг туппа-тўғри кенг кўчаларида кўм-кўк чинорлар яшнаб турибди, йўловчилар оқими тинмайди, автомашиналар ғизиллаб ўтиб турибди. Ўрмон билан қопланган тоғ оралиғидаги шаҳар тепасини енгил булут қоплаган осойишта август кунлари. Ҳозир бу ердаги ҳеч нарса Хиросима бошига бундан 25 йил муқаддам — 1945 йил 6 августда тушган даҳшатли фожиани эслатмайди.

Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги ойи тугаб бораётганига қарамай, ўша машъум кунда ҳам бу шаҳарда худди шундай осойишта тонг отган эди. Лекин «Энолагей» деган чиройли ном билан аталган Американинг «учар қалъаси» Тинч океан томондан Хиросимага тобора яқинлашиб келаверди.

Соат 8 дан 15 минут ўтганда атом бомбасининг кўзни қамаштирувчи шуъласи уйқудан уйғонаётган шаҳарни ёриб юборди. Сунъий қуёш исиғи ва даҳшатли портлаш кучи бир зумда Хиросиманинг кулини кўкка совурди ва аҳолисини ер тишлатди. Атом бомбасини одамларга қарши ишлатиш натижасида шу бўлдики, юз минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди, бутун бир шаҳар батамом вайрон бўлиб, култепага айланиб қолди.

Уша даҳшатли кунда Хиросима аҳолисидан неча киши ҳалок бўлганлиги шу вақтгача ҳам аниқ маълум эмас. Лекин шу нарса маълумки, мана шу даҳшатли қуролни қўлланиш учун АҚШнинг ҳеч қандай ҳарбий зарурати йўқ эди. Бу ваҳшиёна ишдан кузатилган мақсад битта — тинчликсевар халқларни чўчитиш ва ҳали давом этиб турган иккинчи жаҳон урушини тугаллламай туриб эндан социализм дунёсига қарши «совуқ уруш»га киришиш эди.

Хиросима ва Нагасаки фожиасининг 25 йиллигини Япония мураккаб вазиятда кутиб олмоқда. Атом бомбалари вайрон қилган шаҳарлар қайтадан қурилди, ажал шуъласи урган одамларнинг жароҳатлари битди. Портлаш оқибатларидан ҳали ҳам азоб чекаётган кишилар касалхоналарда, уларида етишибди. Шундай бўлса ҳам расмий пропаганда Америка ҳукмрон доираларининг япон халқига қарши қилган ана шу жиноятларига тааллуқли ҳамма нарсаларни ёш авлоднинг миясидан чиқариб юборишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқда. Бунинг сабаби шуки, Япония билан АҚШ эндиликда Япония — Америка хавфсизлик шартномасидаги шериклар бўлиб қолишган.

Бироқ Япония демократик жамоатчилиги Хиросима ва Нагасаки ҳалокатининг чорак асрини нишонлар экан, шу шаҳарлардаги юз мингларча тинч гражданлар умрига зомич бўлган кимсаларни лаънатламоқдалар.

Япония тинчлик курашчиларининг шу кунларда бўлиб ўтаётган кўп минг кишилик намойишлари қатнашчилари атом ва водород қуроли тақиқланишини, ядро қуроли билан қуролланиш пойгасига чек қўйилишини, ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида битим тузилишини қатъий талаб қилмоқдалар. Улар Япония ҳукумати АҚШдан японлар диёридаги Америка ҳарбий базаларини тугатишни, Окинавани қайтариб беришни талаб қилсин, ҳукумат АҚШ билан тузилган ҳарбий иттифоқдан ва Никсоннинг Осиё халқларини бир-бири билан урушишга гижгижловчи «доктринаси»га эргашишдан воз кечсин, деган гапларни баралла айтмоқдалар.

Шу кунларда Токио, Хиросима, Нагасакида ва Япониянинг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтаётган намойишларнинг қатнашчилари ядро уруши хавфига қарши, АҚШнинг агрессив ҳаракатларига қарши чиқаётган барча тинчлик кучларини жипслаштиришга эришишга қаттиқ бел боғлаганликларини айтмоқдалар. Улар Хиросимадаги Тинчлик паркида ўрнатилган мақбара устига йирик иероглифлар билан ёзиб қўйилган: «Хотиржам бўлинг, хато такрорланмайди!» деган онтни бажаришга азми қарор берганлар.

Г. ГАВРИЛЕНКО,
(ТАСС мухбири).
ТОКИО.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

ДОЛЛАР ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

АҚШ империализми Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларда «Америкача ҳаёт кечириш»ни тарғиб этиш ҳамда марказий разведка бошқармаси жосусларини ниқоблаш учун «тинчлик корпуси»дан кенг фойдаланмоқда. Ушбу мақолада гап ана шу «тинчлик корпуси» ҳақида боради. Лекин аввал тарихга бир назар ташлайлик.

...XX асрнинг бошлари. Европадаги мустамлакачи давлатлар Африкани ўзаро тақсимлаб олганлар. Фақат қитъанинг ички районларидагина айрим қабилалар мустамлакачи қулдорларга қарши курашмоқдалар. Шундай қабилалардан бири туареглардир. Саҳро кийикчиликларига кўникиб кетган, туяларда кўчиб юрувчи туареглар француз солдатларига чап бериб, уларни тез-тез қақшатқич зарбага учратадилар.

Шундан сўнг кўркиш нималигини билмайдиган кўчманчилар манзили яқинида Фуко исмли монах чодир тикади. Қуролсиз бу монах аста-секин кўчманчиларга ёрдам бериб, уларнинг фарзандларини даволаб, туареглар ишончини қозонади.

Бир неча йил ўтади. Кўчманчиларнинг ишончли одамига айланган монах уларни христиан динига ўтказади... Сўнгра одатдагидек кўчманчилар бошида қилич ўйнайди. Крест ва қилич... Мустамлакачилар оёғи теккан жойда крест ва қилич бир мақсадга хизмат қилади. Осиё, Африка, Латин Америкасида миссионерлар — христиан дини тарғиботчилари кўп марта босқинчиларга йўл очиб берганлар. Йиллар ўтиши билан миссионерлар тактикаси ўзгарди, такомиллашди. Аммо мақсади ўзгармай қолаверди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг шармандали мустамлакачилик биноси нурай бошлагач. Париж ва Лондонда, Рим ва Брюсселда, Вашингтон ва Лиссабонда ана шу кучларни жипслаштириш ва улардан «Ғарб цивилизацияси» манфаатлари йўлидан самаралироқ фойдаланишга даъватлар тез-тез эшитила бошлади.

Бу ҳақда айниқса жаҳонга ҳукмрон бўлиш йўлидан бораётган Қўшма Штатларда қатъият билан гапира бошладилар. 1961 йил баҳорида Вашингтонда католик мазҳабидаги ва миссионерлар фаолияти тарихидан яхши хабардор бўлган Президент Кеннеди «тинчлик корпуси» ташкил этилганлигини эълон қилди.

Аввало бу ташкилот жаҳонга машҳур бўлиб кетган «бебош американиклар» турмуш шароитига қарама-қарши ўлароқ тузилган эди. АҚШ янги ниқобдаги минглаб миссионерлар ёрдамида Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг обрўсини қозонишга, уларни «америкача ҳаёт услуби»га хайрихоҳлик билан қарашга мажбур қилиб, шу билан бир вақтда асосий мақсадини амалга оширишга, яъни замонамизнинг энг прогрессив ғояси бўлган коммунизмга қарши ғояларни сингдиришга умид боғлаган эдилар. Ҳозир ривожланаётган 62 мамлакатда 10,5 мингга яқин «корпусчи» антикоммунистик пропаганда соҳасида иш олиб боряпти. Ўтган йиллар давомида корпусга бу мамлакатлар аҳолисини идеологик заҳарлаш учун юз миллионлаб доллар сарфланди.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда Вашингтон сиёсатида агрессивлик кучайиши муносабати билан «корпусчилар» фаолиятининг миссионерлик функцияси сусайиб, бошқа функцияси устун келмоқда. Америка стратегларининг фикрича, бу функция уларга кўпроқ самара бериши керак. Бу қандай функция? Бу саволга Муслим Озбаканнинг яқинда Туркияда босилиб чиққан «Махфий ҳужжатлар ва «тинчлик корпуси» китоби яхши жавоб бера олади.

Китоб автори жуда кўп далилларга таяниб, Америка империализми инглиз тили ўқитувчиси, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, медицина ходимлари ва бошқа касб кишилари ниқоби остида ривожланаётган мамлакатларга ўзининг идеологик ва разведка агентларини юбораётганлигини кўрсатади.

Ўтган йили Чилида «тинчлик корпуси» жосуслик фаолияти фош бўлиб қолди. Ана шу мамлакат парламентида «корпус» раҳбарларининг ўз ходимларига юборган маҳфий йўл-йўриқлари эълон қилинди. Уларда АҚШни танқид қилаётган студентлар ва бошқа кишилар ҳақида, сўл партиялар ва группалар тўғрисида, давлат арбоблари ва амалдорлари ҳақида, мамлакатнинг саноат қуввати ва молиявий аҳволи ҳақида маълумотлар тўплаш юзасидан топшириқ берилган. Чили парламентининг депутати Луис Фигерра ана шу фактларга асосланиб, «тинчлик корпуси»ни «жосуслар корпуси» деб атади.

Корпус раҳбарлиги Нигерияда иш олиб бораётган ўз ходимларига эса бундай кўрсатма берган: «Ҳозирги дунёда ривожланаётган мамлакатларнинг Ғарб таъсири остида қолиши жуда муҳимдир. Бетарафлик ва миллий эгоизм идеяларига қарши курашни кучайтирмоқ керак... «Эркин дунё» идеалларини қўллаб-қувватловчи сиёсий шахслар ва группалар мавқеини мустаҳкамламоқ учун ҳамма имкониятлардан фойдаланинг». Ривожланаётган мамлакатларнинг раҳбарлари социализм принципларини тан олган жойларида «тинчлик корпуси» ходимларига «бу идеяларнинг тарқалиши ва қабул қилинишига» эҳтиёткорлик билан, лекин изчил равишда қаршилик кўрсатиш тавсия этилади.

Вашингтонда оддий «корпусчилар» жосусликни ўзига касб қилиб олганлар олдида иш олмаслигини яхши биладилар. Шу сабабли корпус аъзоларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Чили экономисти Эдуардо Годдарта бу ҳақда ўз китобида диққатга сазовор фактларни келтиради. Жумладан, корпусчиларни Чилида ишлаш учун қандай тайёрлашларини тасвирлайди. Аввало уларни университетларда назарий жиҳатдан қуроллантирадилар, сўнгра Вашингтон университети ҳузуридаги интернатда икки ой ўқитадилар. У ердан машқ қилиш учун Пуэрто-Рикога юборадилар. Бу ерда уларга жосуслик методлари ўргатилади.

«Тинчлик корпуси» аъзолари ана шундай пухта тайёргарликдан ўтишларига қарамай, уларнинг баъзилари ўзлари илиниб қолган қўпорувчилик ишига қарши норозилик билдирмоқдалар. Бу эса жаҳон мамлакатларида АҚШ шаънига ва «тинчлик корпуси» фаолияти тўғрисида танқидий гаплар тобора кучлироқ эшитилаётганлигининг натижасидир. Масалан, Туркияда «тинчлик корпуси» вакилларидан уч киши — Д. Хольцер, Ш. Бэкли ва У. Рулинг бу жосуслик ташкилотидан ўз алоқаларини узганликларини маълум қилдилар. Уларнинг сўзлари билан айтганда «тинчлик корпуси» «Америка милитаризми, империализми ва ирқчилигининг бир қисми» бўлиб қолган.

«Тинчлик корпуси»га аъзоликка қабул қилишни сўраб тушаётган аризаларнинг йилдан-йилга кескин камайиб бораётганлиги ҳам бу ташкилотнинг кризисга учраганлигидан далолат бериб турибди. Чунончи, «Вашингтон пост» газетасидан олинган маълумотларга кўра, 1968 йилда аризалар сони 22 процент, 1969 йилнинг 8 ойи давомида эса 30 процент камайиб кетган.

АҚШ ҳукмрон доиралари бир қанча ривожланаётган мамлакатларда «корпус»нинг фаолияти барбод бўлганлигидан (масалан, Ливия, Сомали, Танзания ўз территориясидан «корпус» вакилларини бутунлай чиқариб юборди), «корпусчилар» орасида норозилик кучайиб бораётганидан ташвишланиб уни мустаҳкамлаш ва «янгилаш» учун шошилинч чоралар кўрмоқдалар. Ўтган йилнинг охирида президент Р. Никсон маълум пропагандистик мақсадларни кўзлаб, Ойга биринчи бўлиб оёқ қўйган одам Нейл Армстронгни «тинчлик корпуси» миллий консультатив кенгаши раиси қилиб тайинлади. Шу билан бир вақтда ташкилот директорига «Либерал кайфиятдаги студентлар»ни тортишдан воз кечиш ҳамда асосий эътиборни Вашингтоннинг ташқи сиёсатини сўзсиз қўллаб-қувватлаётган реакцион кайфиятдаги элементларга қаратиш ҳақида буйруқ берилди.

Жаҳон афкор оммаси кўз олдида Марказий разведка бошқармаси, Федерал тергов бюроси ва Пентагон разведкаси билан узвий алоқаси туфайли обрўси тушиб кетган «тинчлик корпуси»нинг раҳбарлиги яқинда бу ташкилот фаолиятидаги «янги йўналиш»ни эълон қилди. Корпуснинг идеологик мақсадларини ниқоблаш учун эндиликда унга кўпроқ малакали ишчиларни, тажрибали фермерларни, ишчилар табақасидан чиққан ўрта малакали мутахассисларни қабул қиладилар. Корпус фаолиятига ривожланаётган мамлакатларнинг маҳаллий кадрларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Бироқ Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари бу ташкилотнинг моҳиятини тобора чуқурроқ тушуниб, унинг тарғиботчиларидан «Уйингизга жўнаб қолинг!» деб қатъий талаб қилмоқдалар. «Жён Африк» журнали бундай деб ёзди: «Биз «тинчлик корпуси» бизда эмас, Қўшма Штатларнинг ўзида ишлашини афзал кўрган бўлардик. Яхшиси у ўз уйида тинчликни таъминласин, американлик негрларга Америкада ирқчилик проблемасини узил-кесил ҳал қилишда ёрдам берсин».

В. ЗЮГАНОВ.

«ЭРКИН ДУНЁ» БАШАРАСИ

ПОЛИЦИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ҚУРБОНИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Яна бир америкалик йигит полиция қурбони бўлди. Коннектикут штатининг Хартфорд шаҳрида негрлар ва пуэрториколиклар билан полиция ўртасида тўрт кундан бери давом этаётган тўқнашув вақтида пуэрториколик 19 яшар йигит Э. Гонзалес ўлдирилди. Бу шум хабар гетто аҳолисининг ғазабини яна қўзғаб юборди. Намойишларни бостирмоқ учун полиция бўлинмалари ва миллий гвардия солдатларининг янги-янги бўлинмалари келтирилмоқда. Хартфордда комендантлик соати жорий этилди.

КВАРТИРА ҲАҚИ ОШМОҚДА

ЖЕНЕВА. (ТАСС). Швейцарияда квартира ҳақи тўхтовсиз ошиб бормоқда. Саноат ва меҳнат федерал бюросининг маълумотларига кўра, 1969 йил майидан 1970 йил майига қадар ўтган бир йил ичида мамлакатда квартира ҳақи ўрта ҳисобда 6,4 процент ошди. Женевада кейинги тўрт йил ичида квартира ҳақи умуман 45,2 процент кўпайган.

ПОЧТА ТАРИФЛАРИ ҚИММАТЛАШМОҚДА

ЛОНДОН. (ТАСС). Почталар ва алоқа министрлиги келгуси йил бошларидан энг кўп юбориладиган почта буюмлари учун элтиб бериш ҳақини 50 процент оширишни мўлжаллаб қўйди. Маълумки, яқинда Англияда озиқ-овқат баҳоси, транспортда юриш ҳақи анча оширилган эди.

Экономистларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, почта тарифларининг оширилиши ҳар бир инглиз оиласига йилига қўшимча бир фунт стерлингга тушади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 18.25 — Программа. Рус тилида: 18.30 — Янгиликлар, 18.45 — Телеспектакль, 19.55 — «Ишчи — фахрли ном». Ўзбек тилида: 20.25 — Янгиликлар, 20.40 — «Уруш—уруш-да» (бадиий фильм). 22.10 — Янгиликлар, 22.15 — Ўлмас Умарбеков. «ОДАМ БЎЛИШ ҚИЙИН». Спектакль.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА. 13.00 — Программа, 13.05 — Янгиликлар, 13.15 — Телефильм, 13.45 — Илмий-оммабоп фильмлар. 14.45 — «Ботқоқлик ити» (бадиий фильм), 16.00 — Янгиликлар, 20.00 — Программа, 20.05 — Янгиликлар, 20.10 — Телефильм, 20.40 — Тележурнал, 21.00 — Янгиликлар, 21.05 — Цирк томошалари, 22.00 — Халқаро кўрсатув, 22.30 — Телефильм, 23.00 — «ВАҚТ».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ. 20.00 — Ҳужжатли фильм, Рус тилида: 20.40 — «02 тўлқинида», 20.50 — Бадиий фильм. 22.20 — Фильм-концерт.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 6/VIII да Травиата, 7/VIII да Спартак.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6|VIII да Мария Стюарт, 7|VIII да Парвона.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Жиноятчор дунё профессори — «СПУТНИК», НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Квартира — «ЧАЙКА», «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ғалати одамлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Асримиздан миллион йил илгари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кеч 6.40 ва 10.30 минутларда).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Квартира — «ФЕСТИВАЛЬ».

Жиноятчор дунё профессори — «ХИВА».

34 ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1970—1971 ўқув йилига
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1-2 йил.

Билим юрти электротехника заводларида ишлаш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: пресслаш ва штамплаш бўйича слесарь-инструменталчилар, саноат электр ускуналари эксплуатацияси ва қайта коммуникациялаш, ҳамда тузатиш бўйича слесарь-тузатувчилар, электр монтёрлар тайёрлайди.

14 ёшдан катта бўлиб, 8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар қабул қилинади.

Ўқувчилар ётоқхона, кунига уч маҳал овқат, кийим-кечак, практика даврида пул мукофоти билан таъминланадилар.

Билим юрти қошида умум таълим кечки мактаби, кутубхона мавжуд, ҳамда спорт секциялари ва ҳар хил тўгараклар ишлайди.

Ўқувчилар шаҳар пропискасидан ўтказиладилар.

Кирувчилар: директор номига ёзилган ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли) 6 дона фотосурат (3х4 см)ни топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Манжара кўчаси, 137-уй (7, 12, 22, 26, 55, 125-автобуслар ва 5-трамвайнинг «Қорасув» бекати).

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги
ТОШКЕНТ ТЕГИРМОНЧИЛИК МАКТАБИ
1970—1971 ўқув йилига
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактаб: республика тегирмонларида ишлаш учун мутахассислар тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 11 ой.

17 ёшдан кичик бўлмаган 7-10 синф ҳажмида маълумотлилар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия, уч маҳал иссиқ овқат, бошқа жойдан келганлар ётоқхона билан, аълочилар қўшимча 20% стипендия билан таъминланадилар.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар 2 Сельмаш проезди, 27-уй (9, 15, 21, 48 автобусларнинг «Сельмаш», 13-трамвайнинг «Ун комбинати» бекатлари).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 333793. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 331730, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 331216, Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 23—27, Урганч — 34—55, Гулистон — 22—09